БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 61 (16.751). | 15 март 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

◆ ОЛИЙ МУКОФОТЛАР ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

◆ ЮКСАК МАЖБУРИЯТЛАР ИУЛИДА

◆ ГРЭС НУРЧИЛАРИ ОКТЯБРЬ ОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

◆ ТЕМИРИУЛЧИЛАРНИНГ РЕЖАЛАРИ

«ИЗВЕСТИЯ» ГАЗЕТАСИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети «Известия» редакцияси ва нашриёти коллективини, ишчи ва қишлоқ мухбирларини, газетхонларини газетанинг биринчи сони босилиб чиққан куннинг 60 йиллиги билан самимий табриклайдилар ва қутлайдилар.

«Известия» газетаси Совет давлати тараққиётининг ҳамма босқичларида ленинча матбуот принципларига амал қилиб, совет кишиларини коммунистик идеалларга фидокорона садоқат руҳида тарбиялашда, уларни совет, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун сафарбар қилишда Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси бўлиб келмоқда.

«Известия» газетаси партиянинг XXV съезди қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосаларни пропаганда қилиш ҳамда амалга ошириш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш, Ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда кўп истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун ўтказилаётган умумхалқ социалистик мусобақасини ривожлантириш соҳасида самарали иш олиб бормоқда. Газета саҳифаларида совет социалистик демократиясини янада ривожлантириш масалалари, халқ ҳокимиятининг чинакам органлари бўлмиш меҳнаткашлар депутатлари Советларининг кўп қиррали фаолияти ҳар томонлама ёритилмоқда. Газета халқлар тинчлиги, ҳамкорлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун, халқаро кескинликни юмшатиш учун изчил кураш олиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети «Известия» журналистларига, унинг барча ходимларига янги ижодий муваффақиятлар тилайдилар ва улар бундан буён ҳам ўз кучлари, маҳоратларини социалистик Ватанга, коммунизм улуғ ишига хизмат қилишга бағишлайдилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ | СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ | СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

«СССР МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ИЗВЕСТИЯ»СИ ГАЗЕТАСИНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва уларни совет, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги катта хизматлари учун **«СССР меҳнаткашлар депутатлари Советлари Известия»си газетаси Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 1977 йил 11 март.

ПАРТИЯ ДАЪВАТЛАРИГА ЖАВОБИМИЗ

МАЖБУРИЯТ ВА БУРЧ

КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган хўжалигимиз аъзолари меҳнатда улкан ғалабаларни қўлга киритдилар. Улуғ Октябрнинг қутлуғ 60 йиллигини янги зафарлар билан кутиб олиш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этяптилар.

Дарёбоддан талай ер очиб олдик. Янги ерлар ўзлаштириш ҳисобига беда, маккажўхори, полиз ва бошқа экин турларини кескин равишда кўпайтиришга эришдик. Масалан, 1973 йилдаги 347 гектар бедазорни 1976 йилда 630 гектарга етказдик. Ундан олинадиган ҳосилни қариб бир ярим баравар ошириб. Пахта-беда алмашлаб экишга тўла ўтилди. 1970 йилда ҳар гектар ердан 18,1 центнер пахта олинган бўлса, ўтган йили ҳосилдорлик 30,5 центнерга етди.

Даромадимиз, бўлинмас ва эҳтиёт фондлари, колхозчиларнинг иш ҳақи тубдан кўтарилди. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши кўрсаткичлар билан якунладик. Агар умумий даромадимиз 1970 йилда 2.200 минг сўм бўлган бўлса, ўтган йили 4.475 минг сўмни ташкил этди. Ҳозир бўлинмас фондимиз ҳисобида салкам бир ярим миллион сўм пул бор.

Йиллик ҳисоботни ўтказдик. Тузилган йиллик ҳисобот аввал далачилик бригаларида, ферма ва техника паркида ишловчилар ўртасида кўриб чиқилди. Очиқ партия йиғилишида ҳам шу ҳисобот муҳокама қилинди. Сўнгра колхозчиларнинг умумий йиғилиши йиллик ҳисоботни тасдиқлади. Ҳар иш кунининг қиймати 8 сўм 23 тийиндан тушди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 165 сўмдан тўғри келди. Механизатор ва уста сувчиларнинг ойлиги 200 сўмдан ошди. Йиллик соф фойдамиз миллион сўмдан ошди, рентабеллик 45 процентга кўтарилди.

Колхозчилар правлениенинг йиллик ҳисоботини муҳокама қилган йиғилишда ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили режаларини ҳам белгилаб олдилар. Мавжуд имконият ва резервлар асосида колхознинг, далачилик бригадалари ва чорва фермасининг 1977 йилги молиявий-хўжалик плани тузилиб, тасдиқланди. Колхозчиларимиз КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи колхозчилари, совхозларининг ишчилари, механизаторлари, олимлари, қишлоқ хўжалик мутахассисларига, қишлоққа материал-техника воситаларини етказиб берувчи саноат ходимларига, барча меҳнаткашларга йўллаган Мактубини атрофлича муҳокама қилиб, бу йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. 2000 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштирилади, бултургига нисбатан ялпи пахта миқдори минг тоннага кўпайтирилади. Юқори ҳосилли бригадаларимиз эллик центнерчилар ҳаракатига қўшилдилар.

Социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида маъсулятни ҳис этган деҳқонларимиз кўклам экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар, ички имконият ва резервларни излаб топиб, ишга солмоқдалар. Кузги шудгорлаш сифатли ўтказилганди. Ҳайдаш олдидан ҳар гектарига белгиланган нормада аммофос, чиритилган маҳаллий ўғит солинди. Яхоб бериш сифатли ўтказилди. Ферма ва хонадонлардан маҳаллий ўғит чиқариш, уни махсус жойларда чиритиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Давлатдан берилган минерал ўғит вақтида ташиб олинди. 15 минг тонна маҳаллий ўғит тўплаш юзасидан бригадаларга берилган графикни ошиғи билан бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Механизаторларимиз юбилей йилида ҳар бир агрегат билан камида 150 тоннадан пахта теришга аҳд қилишди. Ялпи ҳосилнинг 80 процентини машиналар билан теріладі. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига барча пахта ҳосилини четдан ҳашарчи олмасдан, техникага таянган ҳолда йиғиштириб оламиз. Ерни экишга аъло даражада тайёрлаб, экишни қисқа муддатда ўтказамиз, йил давомида бирор колхозчи, бирор техника воситасининг бекор қолишига йўл қўймаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг Мактубини ва мусобақа ҳақидаги қарорини ўрганиш даврида ҳосилдорликни ошириш, ялпи пахта етиштиришни кўпайтириш соҳасида бир талай резервлар борлиги кўзга ташланди. Чунончи, Турсун Ражабов бошлиқ бригада бултур гектаридан салкам 40 центнердан хирмон кўтарганда, қўшни Қозоқ Усмонов раҳбарлик қилаётган бригада 145 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 26,5 центнердан пахта етиштирди. Яна 4 та шундай бригадада ҳосилдорлик колхознинг ўртача кўрсаткичидан анча паст бўлди. Буларнинг ер майдони 552 гектарни ташкил қилади. Агар ана шу майдонда ҳосилдорлик гектар бошига 7—8 центнердан оширилса, қўшимча камида 400—450 тонна пахтани топширган бўламиз. Шу кунларда бутун эътиборни кам ҳосилли бригадаларга қаратганмиз.

Жами 2772 гектар ҳайдаладиган еримиз бор. Юбилей йилида 2000 гектар ерда пахта, 53 гектарига дон учун маккажўхори, 130 гектарига силосбоп маккажўхори, 16 гектарига полиз экиладиган ва 12 гектарига хашаки лавлаги экамиз. Эски ва янги бедазорлар 706 гектарни ташкил этади. Ҳар қути қурт уругидан камида 70 килограммдан пилла етиштирамиз. Ўтган хўжалигимизнинг миришкор деҳқонларидан бир нечтаси СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Шу жумладан, бригада бошлиқларидан Қандолат Абдуллаева Ленин ордени билан, Хидир Мелиев, Турсун Ражабов, Маърифат Эргашевалар ҳамда сут соғувчи Санам Ҳасановалар Меҳнат Қизил Байроқ ордени, механик-ҳайдовчи Худойназар Абдураҳмонов, сут соғувчи Ҳосият Шакарова «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотландилар. Олий мукофот уларни янада янги ютуқларга руҳлантириб юборди. Уларнинг ҳар бири ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Меҳнати юксак даражада тақдирланган колхозчи-деҳқонларимиз, чорвадорларимиз, механизаторларимиз, пилла-чи меҳнатсеварларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб туҳфалар билан нишонлаш учун ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Далаларимизда кўклам ишлари қизитиб юборилди. Деҳқонларимиз, механизаторларимиз экиш мавсумига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрмоқдалар.

М. ЖУРАЕВА,
Самарқанд область Оқдарё районидаги «Москва» колхозининг раиси, Ленин ордени кавалери.



РЯЗАНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚУШИЛИБ

Сирдарё ГРЭСи нурчилари корхона ишга тушгандан буён 20 миллиард киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилдилар. Бундай натта ютуққа ҳар бири 300 минг киловаттли беш энергоблокнинг барвақт ишга туширилганлиги туфайли эришилди. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига зарбдор вахтага чиққан нурчилар коллективи рязанлик ҳамкасблари ташаббусига қўшилиб, юбилейга қадар пландаги битта ўрнига иккита энергоблокни фойдаланишга топшириш учун сўз берди. Суратда: улкан ГРЭС турбоагрегатларининг бошқарув пульти.

А. Горокрик фотоси, (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Тожик совет адабиётининг асосчиси ва ўзбек совет адабиёти асосчиларидан бири, атоқли ёзувчи, публицист, йирик шарқшунос олим ва жамоат арбоби Садриддин Айний туғилган кунга 100 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ана шу санага бағишлаб 1978 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида тантанали юбилей кечасини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юбилей тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари К. Н. Яшин раислигида ташкилот комитети тузилди.

Ёзувчининг ижодий меросини кенг пропаганда қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига республика Ёзувчилар союзи билан биргаликда 1978 йилнинг мартида Самарқанд шаҳрида илмий сессия ўтказиш; Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига ҳамда республика Фанлар академиясига Садриддин Айний танланган асарларининг бир томлигини ва унинг адабиётшуносликка оид танланган асарларининг бир томлигини, шунингдек адиб ҳақидаги хотиралар китобини нашр этиш топширилди.

Республика Маориф министрлиги Бухоро педагогика институтининг филология факультетида Айний номидаги битта стипендия таъсис этади.

Республика газеталари ва журналларининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига юбилей тадбирларига тайёргарликнинг борориши ва уни ўтказишни ёритиш топширилди.

ШАРТНОМА РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНДИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

СССР Олий Советининг Президиуми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1976 йил 8 октябрда Москвада имзоланган шартномани 14 март куни ратификация қилди.

СССР Олий Совети Президиумининг Кремлда ўтказилган мажлисини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Совет ҳукумати номидан доклад қилди.

СССР билан АХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилиши — халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги мусобақатларда катта аҳамиятга молик воқеадир, деб таъкидлади у. Совет Иттифоқи ва Ангола халқлари ўртасидаги ҳақиқий дўстлик ва ҳамкорликка, деди у, Ангола ватанпарварлари ўз ватанини мустамлакачилик зулмидан озод қилиш учун қаҳрамонона кураш олиб борган йилларда асос солинган эди. Ангола халқи учун оғир синов бўлган ўша йилларда ҳам, ҳозир ҳам Совет Иттифоқи унинг ишончли таянчи бўлди ва шундай бўлиб қолади. Ангола халқи ҳам буни қадрлайди. Куба, бошқа қардош социалистик мамлакатлар, барча эрксевар халқлар Ангола халқи тарафидадир.

Л. И. Брежневнинг 1976 йил 7 октябрь куни Ангола партия-давлат делегацияси шарафига ўтказилган қабул маросимида айтган сўзларини бугун яна бир карра эслатиб ўтиш ўринлидир: «...Биз: Африканинг на жанубида, на шимолида, на бирон-бир бошқа қисмида бизнинг қандайдир «алоҳида манфаатларимиз» йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, биз у ерда ўзимиз учун ҳеч қандай манфаат изламаймиз, деб неча бор айтганимиз ва буни яна бир карра такрорлашни истаймиз. Биз ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўзининг тараққиёт йўлини танлаб олишдек муқаддас ҳуқуқи эътироф этилишнигина истаймиз. Бу — бизнинг ўзгармас принципимиз бўлиб, партиямиз, барча совет кишилари шу принципдан ҳеч қачон чекинмайдилар». Ана шу принцип шартномада тўла-тўкис ифода этилган.

Шартнома тенг ҳуқуқлилик, суверенитетни, территориал бутунликни ўзаро ҳурмат қилиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик муносабатларини мустаҳкамлайди ва шу тариқа Совет ва Ангола халқларининг узоқ муддатли, туб манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу шартноманинг муҳим халқаро жиҳатлари борки, бу жиҳатлар аслида икки томонлама муносабатлар доираси билангина чекланмайди. Шартнома ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Совет ҳукумати Олий Совет Президиумига ратификация қилиш учун тақдим этган шартнома Коммунистик партия, Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсат йўли, умумий курашдаги дўстлар билан интернационалистик бирдамлик изчиллигининг ёрқин тимсолидир.

А. А. Громико ССР Иттифоқи Олий Советининг Президиуми Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ангола Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилади, деб ишонч билдирди.

Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарёв СССР Олий Совети палаталари ташқи ишлар комиссиялари номидан ахборот берди.

Шартнома, деди у, КПСС билан Совет давлати озодликка чиққан мамлакатларга нисбатан амал қилаётган принципларини, Совет ҳокимиятининг тонгидаёқ В. И. Ленин таърифлаб берган принципларни ифодалайди. Бу ҳужжат тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан партия XXV съездида қилган Ҳисобот докладида баён этиб берган программасини изчиллик билан амалга оширишга қўшилган муҳим ҳиссадир.

СССР билан АХР ўртасида шартнома тузилиши, деб таъкидлади Б. Н. Пономарев, Совет—Ангола дўстлигини иккала мамлакатнинг тинчлик, озодлик, социал тараққиёт ва интернационал бирдамлик идеалларига содиқлиги мустаҳкам пойдеворида ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг қонуниятли якунидир.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга ўтадилар.

Латвия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси П. Я. Страутманис, Урал автомобиль заводининг фрезерчиси Н. А. Новоселова, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Ф. А. Табеев шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни қўллаб қувватладилар. Бу шартноманинг тузилиши Совет Иттифоқининг ривожланаётган мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлигини кенгайтираётганлиги ва чуқурлаштираётганлигини тасдиқлайди, деб таъкидлашди улар.

КПСС Марказий Комитетети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов айтдики, Совет—Ангола муносабатларига империализмга ва мустамлакачиликка қарши курашдаги мақсадларнинг муштараклиги ва бу йўлда бирликда сарфланаётган кучғайратлар, иккала мамлакатнинг тинчлик ва озодлик идеалларига садоқати асос қилиб олинган. Шу қоидаларнинг ҳаммаси шартномада аниқ-равшан ёзиб қўйилган.

Н. В. Подгорний муҳокамага якун ясади. Совет Иттифоқи Ангола Халқ Республикаси билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганида ленинча ташқи сиёсат негизларига асосланди, тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун бундан буёнги курашнинг КПСС XXV съезди қабул қилган программаси юксак мақсадлари ва вазифаларига амал қилди, деб таъкидлади у. Мамлакатимизнинг миллий ва социал озодлик учун курашаётган халқларга нисбатан, Африкадаги, шунингдек бошқа қитъалардаги ўз мустақиллигига эришган ёш давлатларга нисбатан тутаётган йўли шартномада яна бир карра мужассам ифодалаб берилди.

Ангола Халқ Республикаси партия-давлат делегациясининг бултур СССРга қилган визити вақтида совет ва ангола халқларининг чуқур дўстлик ва бирдамлик туйғулари ўзининг яққол ифодасини топди, деди Н. В. Подгорний. Бу визит, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан МПЛА Раиси, АХР президенти Агостиньо Нето имзолаган шартнома мамлакатларимиз халқларини ўзаро яқинлаштириш йўлидаги муҳим босқич бўлиб қолди, Леонид Ильич Брежнев айтганидек, Совет — Ангола муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун пухта негизларни яратди. Шартноманинг тузилиши — дунёда биринчи социалистик давлат билан Африкадаги озодликка чиққан энг ёш мамлакатлардан бири ўртасидаги дўстликни чуқурлаштиришда катта қадам эканлиги шубҳасиздир.

Совет Иттифоқи билан Ангола бундан буён ҳам империализмга қарши, эски ва янги мустамлакачиликни, ирқчилик ва апартеидни узил-кесил тугатиш учун муттасил кураш олиб бориши юзасидан ўз зиммаларига тантанали мажбуриятларини қабул қилдилар. Бу олижаноб ишда СССР ва Ангола барча тараққийпарвар ҳамда тинчликсевар кучлар билан ҳамкорлик қилавериши табиий.

Совет — Ангола шартномасининг тузилиши халқаро майдонда ижобий кутиб олинди. Шартномани Совет Иттифоқи ва Ангола халқлари астойдил қўллаб-қувватладилар, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, Африкадаги ва бошқа қитъалардаги тараққийпарвар кучлар, ер юзида мустақиллик, озодлик ва тинчликни қадрловчи ҳамма кишилар уни табриклашдилар.

Маълумки, халқ Анголаси давлат ҳокимиятининг олий органи — Революцион кенгаш шу йил 25 февраль куни СССР билан АХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани ратификация қилди.

СССР Министрлар Совети шу шартномани ратификация қилиш тўғрисида таклиф киритди. СССР Олий Совети Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари шартномани маъқулладилар ва ратификация қилишни тавсия этдилар.

Олий Совет Президиумининг бугунги мажлисида сўзга чиққан барча ўртоқлар ҳам шартномани ратификация қилишни ёқлаб гапирдилар.

СССР билан АХР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1976 йил 8 октябрда Москвада имзоланган шартномани ратификация қилиш тўғрисида Фармон қабул этиш таклиф қилинади.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари Фармонни бир овоздан тасдиқлайдилар. Н. В. Подгорний СССР Олий Совети Президиумининг шартномани ратификация қилиш тўғрисидаги Фармонни ва ратификация ёрлигини имзолайди.

* * *

Президиум мажлисида СССР Олий Совети палаталари табиатни муҳофаза қилиш комиссияларининг давлат қўриқхоналари, заказниклари ва табиат ёдгорликларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларга қандай риоя этилаётганлиги ҳақидаги ахбороти тингланди.

Президиум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

СССР Олий Совети делегациясининг Лаос Халқ Демократик Республикасига қилган сафари тўғрисидаги ахборот тингланди, бу ҳақда делегация бошлиғи, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари С. Б. Ниёзбеков ахборот берди.

СССР Олий Совети Президиумининг ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. М. Машеров, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев иштирок этдилар.

(ТАСС).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Совет ҳукуматининг таклифига биноан Туркия Республикасининг ташқи ишлар министри Эҳсон Сабри Чаглаянгил расмий визит билан 13 мартда Москвага келди.

Туркия ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Туркия Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Намик Иолга ҳам бор эди.

* * *

14 март куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Туркия ташқи ишлар министри И. С. Чаглаянгил ўртасида музокаралар бошланди.

Амалий, дўстона вазиятда ўтган музокаралар давомида министрлар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларга доир бир қанча масалаларни муҳокама қилдилар.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар устида ҳам батафсил фикрлашиб олинди.

А. А. Громико шу куни И. С. Чаглаянгил шарафига зиёфат берди. Зиёфатда нутқлар сўзланди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

(ТАСС).

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

14 март куни Тошкентда Ўрта Осиё темир йўли партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Компартиялари Марказий Комитетлари, мазкур республикалар Министрлар Советларининг масъул ходимлари, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарлари, область ижроия комитетлари раисларининг ўринбосарлари, район, шаҳар ижроия комитетлари раислари, шу республикалар халқ контроли комитетларининг ходимлари, Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси, бўлимларни ва корхоналарининг, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев очди.

Йиғилиш аҳли КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Йиғилиш иштирокчилари «1976 — 1980 йилларда темирйўл транспортини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорини бажариш борасида Ўрта Осиё магистрали коллективи олдида турган вазифаларни муҳокама этдилар. Бу тўғрида Ўрта Осиё темирйўлининг бошлиғи А. М. Қодиров доклад қилди.

Йиғилишда СССР темирйўллар министри И. Г. Павловский, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари И. П. Трофимов нутқ сўзладилар.

Партия хўжалик активи йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорда партия ва ҳукуматнинг темирйўл транспорти ходимлари олдига қўйган вазифаларни бажариш, ишнинг самарадорлиги ва сифатини оширишнинг конкрет тадбирлари белгилаб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. Т. Турсунов, Туркманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Сахатлиев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг виночилик саноатида кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Узплодоовощвинпром» аграр-саноат бирлашмасига қарашли Москва вино заводи директори Мария Андреевна **Чувашева**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми матбуотда кўп йиллар, актив ишлаганлиги учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон информация агентлигининг Фарғона областидаги ўз мухбири Василий Никитович **Татаринов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди.

КИШИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ОЛИЙ БУРЧ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифалари мураккаблиги, хилма-хиллиги, миқёсларнинг кенглиги даврининг характерли белгисидир. Бундай юксак вазифалар савнясида туриш масъулияти партия ташкилотларидан ўз имкониятларидаги ҳамма омиллардан самарали фойдаланишни тақозо этмоқда. Коммунистлар, комсомоллар, барча меҳнаткашларнинг ижтимоий ва меҳнат активлигини ошириб бориш афзалликлари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

«Совет Ўзбекистони» газетаси партиявий иш самарадорлиги тўғрисидаги масалани ўртага ташлаганлиги ҳам бизда бу ҳақдаги фикрларимизни баён этишга бир даъват бўлди. Зероки, партиявий иш самарадорлиги — бу, оқибат натижада, экономика ва маданий қурилиш самарадорлигига эришиш демакдир.

Кейинги йилларда районимиз экономикасини юксалтиришда эришилган ютуқлар аввало, партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида тинимсиз кўраётган чора-тадбирлари, чексиз ғамхўрликлари бўлса, иккинчи томондан, кадрларимизда ташкилотчилик маҳоратининг ошиб бораётгани, улар ўз ишларининг воситаларидан самарали фойдаланиш тадбирлари белгиланади. Одамларни самарали ва сифатли иш қилишга сафарбар этувчи ғоявий-тарбиявий ишлар, илғорлар тажрибасини кенг қўлланиш, социалистик мусобақани амалий тарзда йўлга қўйиш бу ишларда ўз ифодасини топади.

Район партия комитети бошлангич партия ташкилотлари жанговарлиги ва ташкилотчилик ишининг самарадорлигини ошириш воситаларидан бири принципиал партиявий талабчанликни одамларга нисбатан чексиз ғамхўрлик, кичик коллективларда бир-биринг ҳурматлаш, тушуниш, ўзаро ҳамкорлик вазиятини вужудга келтириш билан уйғунлаштириш деб ҳисобламоқда. Кадрларимизни шу руҳда комплекс ривожлантириш йўлида қилаётган ишларимиз ҳам ўз самарасини кўрсата бошлади. Давлатга тўшт сотиш йиллик халқ хўжалик плани — 120,6, сут сотиш — 113, тухум сотиш — 147, жун сотиш — 115 процентга адо этилди.

Бу рақамлар асосида фақат самарали меҳнатнинг ўзи эмас, шу билан бирга одамларнинг унумли ишлашлари учун яратилаётган шароитлар, улар ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш, ишнинг устида бўлиб, илғор тажрибаларни ўргатиш, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қулоқ солиш ҳам ётади.

Хўжалик вазифаларини ҳал этишда партиявий-ташкилий, ғоявий-сиёсий ишлар тобора муҳим касб этмоқда. Ҳар бир кампания олдидан вазифалар ва уларни бажариш учун мавжуд бўлган имкониятлар равшан аниқлаб олинади. Бунда мутахассисларнинг фикри, кадрларнинг талаблари ҳисобга олинади. Мавжуд куч, техника воситаларидан самарали фойдаланиш тадбирлари белгиланади. Одамларни самарали ва сифатли иш қилишга сафарбар этувчи ғоявий-тарбиявий ишлар, илғорлар тажрибасини кенг қўлланиш, социалистик мусобақани амалий тарзда йўлга қўйиш бу ишларда ўз ифодасини топади.

Район партия комитети бошлангич партия ташкилотлари жанговарлиги ва ташкилотчилик ишининг самарадорлигини ошириш воситаларидан бири принципиал партиявий талабчанликни одамларга нисбатан чексиз ғамхўрлик, кичик коллективларда бир-биринг ҳурматлаш, тушуниш, ўзаро ҳамкорлик вазиятини вужудга келтириш билан уйғунлаштириш деб ҳисобламоқда. Кадрларимизни шу руҳда тарбиялаш диққат марказимизда турибди. Раҳбарнинг обрўйи, унинг коллективга ўтказадиган таъсири аввало коллективнинг ҳар бир аъзоси тўғрисида қайғурши, унинг яхши кунларида ҳам, қийин ва оғир дамларида ҳам ҳамкор ва ҳамдард бўлиши билан белгиланади. Бригадирми, ферма мудири, хўжалик раҳбари, партия ташкилотининг секретарими — қандай раҳбар бўлишидан қатъий назар, у одамларни севиши, уларга меҳрибонлик қилиши, ҳамма соҳада ва ҳар доим қўлидан келадиган ёрдамини сира аямаслиги лозим деб ўйлайман. Агар ишлаётган одам ўз раҳбарини расмий сифатдагина эмас, балки қалбан ҳам ҳурматласа, энг мураккаб топшириқларни ҳам бажаради, чарчаш нима эканлигини, ишини миннат қилиш нима эканлигини билмайди.

Фарғона районидаги илғорлар кўп соҳада орқада юрарди. Эндиликда анча ютуқларни қўлга киритаётир. Кейинги беш йилликда пахта ҳосилдорлиги район бўйича гектаридан 8-10 центнерданга ошганлиги фактидан кўз юмиб бўлмайди. Бироқ, бунда бирон-бир сир бор деб тахмин этиладиган бўлса, у ҳолда бу сир, бу кўринмас омил юксак талабчанликка чексиз ғамхўрликнинг қўшиб олиб борилаётгани деб жавоб беришга журъат этардик.

Биз ишбилармон, ташаббускор кадрларга эга бўлиб қолганлигимиздан фахрланамиз. Колхоз правлениелари раислари Р. Абдураҳмонов, Р. Раҳимов, А. Ҳалимов, У. Юнусов, М. Эгамбердиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Каримова, бригада бошлиқлари М. Ҳасанова, Т. Холматов, С. Азимов, Ш. Сатторов, С. Ҳасанов, М. Шокиров, П. Жўрабоева, ферма мудирлари, прораблар, цех бошлиқлари ва бошқа ўнлаб кадрларимизда бу сифатлар ўз ифодасини топиб бораётганини мамнуният билан тилга оламиз.

Бошлангич, цех (бригада) партия ташкилотлари, партия группалари йиғилишларида актуал масалаларни танқид ва ўз-ўзини танқид асосида ҳамда зўр ишчанлик вазиятида қараб чиқишга ваъдамиз бермоқдамиз. Ильич номли, Ленин номли, «Коммунизм» колхозлари, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси партия ташкилотлари партия ички демократиясини ривожлантириш учун изчил қурашиш жараёнида кадрларда одамларга нисбатан меҳр-муҳаббат, мурувват ҳисларини тарбиялаб борамиз. Ўз коллективларининг ҳар бир аъзоси иши, турмуши ҳақида ғамхўрлик қилиш кераклигини кенг равишда тушунтирмоқдалар ва шунга эришмоқдалар. Партия сиёсий ўқиши, мутахассисларни ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш учун қилинаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

«Фарғона» совхози ўтган йили область совхозлари ичида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарди ва халқ хўжалик планига нисбатан минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширди. Бунда шу совхознинг Куйбишев номли бўлими бошқарувчиси Иброҳимжон Сиддиқов тажрибасининг аҳамияти сезилари бўлди. И. Сиддиқов ўз коллективининг меҳрибон раҳбари, иш ўргатувчи устози, қийин кунларда асқатадиган мўътабар кишиси бўлиб қолди. У бунга кўп йиллик толмас меҳнати, катта тажрибаси туфайли эришди. Агар бу бўлим ерларида 1971 йилда гектаридан 20,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, ўтган йили пахта ҳосилдорлиги 44,8 центнерни ташкил этди. КПСС Марказий Комитетининг қишлоқ меҳнатчиларига йўллаган Мактубига жавобан бўлим коллективи бу йил ҳосилдорликни 50 центнерданга етказиш мажбуриятини олди. Бошқа қатор хўжаликлар ҳам ўнинчи беш йилликда деҳқончилик ва чорвачиликда, боғдорчилик ва соҳибкорликда, ҳамма соҳада ана шундай юксак марраларни ўзлаб туришибди. Биз 1980 йилга бориб халқ хўжалигида 40 процентгача, айрим соҳаларда 60 процентгача ўсиш режаларини тузиб олдик. Бу, ўз-ўзидан бўлмайди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги даъватига ҳамма бригада, ферма, хўжаликлар, цех ва участкалар лаббай деб жавоб бермоқдалар. КПСС XXV съезди тарихий қарорларини рўёбга чиқариш учун меҳнатчиларда жўш ураётган юксак кўтаринкилик, уюшқоқлик вазиятидан самарали фойдаланиш хоҳ катта, хоҳ кичик вазифада ишлаётган раҳбарнинг доимо эътиборида турадиган масаладир. Бунда ҳеч вақт ва ҳеч қачон қуруқ талабчанликка берилиб кетмаслик ва ҳамма вақт уни чинакам ғамхўрлик билан омихта қила билиш даркорлигини сира унутмаймиз.

1976 йил биз учун чинакам мактаб бўлди. Районда қўлгина ибратли ишлар билан бирга баъзи камчиликларга йўл қўйилгани эндиликда кўзга яққол ташланмоқда. Сабзавотчиликни ривожлантириш, бу соҳада ҳам самарадорлик ва сифатли маҳсулот топшириш актуал вазифа бўлиб турибди. Ҳозир сабзавотчилик учун ихтисослашган хўжаликлар кадрларини танлаш, тарбиялаш билан жиддий шуғулланяпмиз. Партия ташкилотлари ёш, қобиляятли кадрлар ҳисобига мустаҳкамланди. Сабзавотчиликда Иттифоқ, республика, область миқёсида илғор тажрибаларни қўллаш тадбирлари белгиланмоқда. Техника, ўғит, сув таъминоти масалалари, меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйиш сабзавотчиликда ҳам самарадорликка эришиш имкониятини бериши шубҳасиз.

Айрим хўжаликлар, бригадаларда пахта ҳосилдорлиги ҳали оз. Қолоқларни илғорлар даражасига кўтариш тўғрисида чинакам партиявий ғамхўрлик кераклигини сезиб турибмиз. Партия ташкилотлари эътиборини бу масалага жиддий равишда қаратмоқдамиз.

Ғўзт ва сут етиштириш резервларини излаб топиб ишга солганимиз яхши бўлди. Ҳозир сигирларнинг 90 проценти зотлидир. Чорвачиликни саноат асосига кўчириш учун бу беш йилликда катта қадам қўямиз. Партия ташкилотлари чорвачилик комплекслари қуриш ва ишга тушириш билан амалий тарзда шуғулланяптилар. Шу кунларда чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақа бутун чоралар билан ривожлантирилмоқда.

Етилган масалаларни илғаб олиш, тўғри қарорлар қабул қилиш ва улар ижроси учун қурашиш ҳам кишилар тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилмоқда. Масалалар тайёрлаш, муҳокама қилиш, қарорлар ижроси учун ташкилий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш амалда талабчанлик билан ғамхўрликнинг узвий боғланишидир.

Ўтган йиллардаги тажрибаларимизни ривожлантириб, бу йил кўп соҳаларда, жумладан пахтачиликда 1980 йил даражасига етиб олишдек улкан вазифани олдимизга қўйиб турибмизки, бунинг учун партиявий ишда чинакам самарадорликка эришиш лозим бўлади.

А. АКБАРОВ,
Фарғона район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Октябрь 60 йиллиги

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти коллективи В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг мурожаатини қўллаб-қувватлайди ва Улуғ Октябрни муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилади.

Халқ хўжалиги учун ёш мутахассислар тайёрлашни мунтазам такомиллаштириш, ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот ишларининг ғоявий-назарий даражасини янада оширишнинг фаол ва мақсадга мувофиқ самарали йўллари ва воситаларини кидириб топиш — КПСС XXV съезди томонидан олий мактаб олдига ана шундай вазифалар қўйилган.

Бизнинг институт учун бу проблемалар, айниқса, муҳим ва актуалдир — зотан биз ўқитувчилар — ёш авлоднинг бўлажак мураббийлари ва тарбиячиларини тайёрлаймиз. Улар институтимиз қучоғидан қандай кишилар бўлиб етишиб чиқадилар, қандай билим оладилар, қандай профессионал маҳорат ва малакага эга бўладилар, уларнинг гражданлик ғайрат-шижоати ва фикр доираси қандай бўлади — мамлакатимизнинг келажаги кўп жиҳатдан ана шуларга боғлиқ.

КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори, бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч отаётган ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун бошланган социалистик мусобақа, ўнинчи беш йиллик топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши, Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш ҳаракати кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат бағишлаб юборди.

Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш имконини берадиган кенг тадбирлар программасини ишлаб чиққан, Улуғ Октябрь юбилейини муносиб кутиб олиш учун Ўзбекистон олий ўқув юртлариш социалистик мусобақага қўшилишга чақирган республикадаги энг кекса олий ўқув юрти — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг мурожаатига бизнинг коллектив ҳам фаол қўшилдилар.

Олий ўқув юртимизнинг профессор ва ўқитувчилари, студентлари ва тингловчилари университет коллективининг социалистик мажбуриятларини диққат билан ўргандилар, ўзларининг 1977 йил учун социалистик мажбуриятларини ишлаб чиқдилар ва қабул қилдилар.

Биз бутун куч-ғайратимиз, эътиборимизни асосий вазифамиз бўлмиш маориф системаси учун ўқитувчилар ва бошқа мутахассислар тайёрлаш сифатини ҳар томонлама такомиллаштиришга қаратмоқдамиз. Ҳар бир мутахассис учун, айниқса, ўқитувчи учун жуда муҳим бўлган чуқур ва мустаҳкам билимлар билан уларни қуроллантиришга, уларга педагогик маҳоратни эгаллашда ёрдамлашишга, актив гражданлик позициясини шакллантиришга эътибор бермоқдамиз.

Институтда Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун факультетлар, кафедралар, ўқув группалари ва барча бошқа бўлинмаларнинг социалистик мусобақаси кенг қулоч отди. Юбилейга бағишланган Октябрь ўқишлари ташкил этилди. «Олтмиш буюк йил» кинолекторий ишлаяпти, бутун йил давомида қардош иттифоқдош республикалар халқлари билан дўстлик декадалари, бадиий ижод ва студентлар спорт ютуқларининг оммавий кўриклари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан олий ўқув юрти битирувчилари учрашувларини ўтказиш назарда тутилмоқда.

Олий ўқув юрти илмий ишлар плани муддатидан олдин, 1977 йилнинг 15 декабрида бажарилади, тўртта докторлик ва 24 та кандидатлик диссертацияси ҳимояси ниҳоясига етказилади. Қутлуғ юбилейгача институт олимлари олтита монографияни, 28 та дарслик ва ўқув қўлланмасини, 12 та илмий ишлар тўпламини нашрга тайёрлайди. Айниқса, нашрларда олтмиш йил ичида совет халқи босиб ўтган қаҳрамонона йўлни, Ўзбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг ғалабасини кўрсатишга алоҳида эътибор берилади. Институтда Октябрь мавзуи бўйича ўқитувчилар ва аспирантларнинг икки марта илмий-назарий конференциясини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Институт студентлари Бутуниттифоқ Ленин синовида, «Улуғ Октябрь 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!» ҳаракатида, Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига Ленин комсомолининг КПСС Марказий Комитетига берадиган рапортига имзо чекиш фахрий ҳуқуқига эга бўлиш учун комсомол ва ёшлар мусобақасида фаол иштирок этмоқдалар.

Институт коллективининг Октябрь юбилейига ҳисоботи пойтахт педагогика олий ўқув юртлари билан қардош иттифоқдош республикалар ва Ўзбекистон областлари делегациялари иштирокида ўтадиган аълочилар слёти, студентлар илмий конференциялари, ижтимоий фанлар, ВЛКСМ тарихи ва халқаро ёшлар ҳаракати бўйича студентлар ишлари Бутуниттифоқ конкурси ва бўлажак педагогларнинг илмий ижодкорлиги бўйича конференциялар ўтказиш анъанавий бўлиб қолади.

Институт талабалари совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат шонушуҳрати жойлари бўйлаб юрадилар, «Ёшларнинг империализмга қарши бирдамлиги, тинчлик ва тараққиёт учун!» — деган халқаро кампанияда фаол қатнашдилар.

Институтнинг миллий группалари студентлари рус тилини энг яхши биладиганлар конкурсига катта қизиқиш билан тайёргарлик кўрмоқдалар. Шу кунларда «Машъал» интернационал дўстлик клубининг ишлари янада жонланиб кетди.

Бизнинг институт ҳамиша меҳнаткашлар ўртасида пропаганда ишлари олиб боришга катта эътибор бериб келган. Бу яхши гражданлик активлиги мактаби ҳисобланади. 1977 йил социалистик мажбуриятларда ишчилар ва хизматчилар учун юбилей тематикасида лекциялар ўқиш, республика мактабгача тарбия муассасаларида ва мактабларда суҳбатлар ўтказиш кўзда тутилган. Профессорлар, ўқитувчилар ва студентлар уч мингдан ортиқ лекция ўқийдилар. Институт қишлоқ районларига «Октябрь» деб номланган комплекс агитбригадалар юборади. Тошкент шаҳрининг Фрунзе ва Сергели районларида, Жиззах областининг Мирзачўл районида ва Тошкент областининг Чиноз районида илмий-амалий конференциялар ўтказади. Олий ўқув юрти кафедралари оталиқдаги мактаблар педагогик коллективлари билан биргаликда юбилей тадбирларини амалга ошириш планларини ишлаб чиқдилар.

Беш юздан зиёд бўлажак педагоглар ёзда Улуғ Октябрь 60 йиллиги номли Бутуниттифоқ студентлар-қурилиш отряди составида меҳнат қилишга аҳд қилдилар. Институт коллективи республика юбилей объекти — Тошкент метрополитенининг «СССР 50 йиллиги» станцияси қурилишини ўз оталигига олди.

Институтимизнинг профессорлари, ўқитувчилари, ходимлари ва студентлари Тошкент Давлат университетининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича қилган мурожаатини қўллаб-қувватлайдилар ва айни вақтда ўзлари ҳам бутун куч, ғайратни қутлуғ юбилейни янгиданянги иждоий ютуқлар билан кутиб олишга бағишлайдилар.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректори,
К. ЮСУПОВ,
институт парткоми секретари,
М. МИРПУЛАТОВ,
касаба союз маҳаллий комитети раиси.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ИНШООТЛАРДА

МУДДАТ МАСЪУЛИЯТИ

ЮБИЛЕЙ ҚУРИЛИШИДАН РЕПОРТАЖ

Пештоқига «Қарши бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати қурилиши штаби» сўзлари битилган қизил алвонли яшил вагонча ҳамманинг эътиборида. «Каршистрой»даги бўлажак йирик саноат комплексининг бош пудратчи қурилиш ташкилоти — 4-кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи Анвар Орипович Муродов иш кунини қарийб шу ерда ўтказади. Худди шу вагончада катта ва кичик масалалар ҳал этилади, қурилиш майдончаларига аниқланган ва конкретлаштирилган график ҳамда топшириқлар жўнатилади. У ерлардан эса амалга оширилган ишлар ҳақидаги рапортлар, ҳисоботлар, зарур миқдордаги бетон, металл конструкциялари ҳамда бошқа хил бинокорлик материалларига буюртмалар келади.

Вагонча қурилишнинг шундоққина биқинида, керамзит заводи биноси ёнида. Завод тикланаётган иншоотлар орасида биринчи бўлиб фойдаланишга топширилиши лозим. Ҳозир заводда сўнгги ишлар амалга оширилмоқда: тегирмон хўжалиги, қуритиш ва қуйдириш печлари, аралаштиргич, транспортёр ва бош ускуналар синовдан ўтказилди. Қарши чўли қўриқ ерларида барпо қилинаётган янги совхозларда уй-жойлар ва ишлаб чиқариш объектлари қуриш учун жуда зарур керамзит тайёрловчи заводнинг фойдаланишга топширилишига саноқли кунлар қолди.

Анвар Орипович заводдаги асбоб-ускуналарни созлаш ва синашнинг бориши ҳақида ҳикоя қиларкан, Рўзи Мустафоқулов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасини алоҳида тилга олди. Дарҳақиқат, эл оғзига тушган ушбу хўжалик ҳисобидаги комплекс бригада коллективи иш суръатини кундан-кунга кучайтириб, юксак натижаларга эришмоқда. Социалистик мусобақани авж олдираётган бригада аъзоларининг шу кунлардаги фикри-зикри — Улуғ Октябрь 60 йиллиги байрамига қадар тўрт йиллик топшириқни бажариш! Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Каршистрой» бошқармаси коллективлари уйсозлик комбинатини, ғ.ч.созлик заводи, керамзит заводи ва 2-темирбетон буюмлари заводини барвақт ишга туширишда юзасидан социалистик мусобақани авж олдираётганликлари тўғрисида чиқарган қарорида Рўзи Мустафоқулов бош бўлган бригаданинг ватанпарварлик ташаббусига юксак баҳо берилганлиги боиси ҳам шундан.

Заводни ишга туширишда яқинлашган сари бригада завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқда. Бунда бригада бошлиғининг шахсий ибратини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Яқинда қурилиш ташкилоти коммунистлари Р. Мустафоқуловга юксак ишонч билдириб, уни КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилишди.

Керамзит заводи ёнида уйсозлик комбинати қад ростлаяпти. У бир йилда 330 минг квадрат метр уй-жой тайёрлашга мўлжалланган. Ҳозир ишлаб турган шундай корхонадан фарқли ўлароқ, Қарши уйсозлик комбинати механизациялаштирилиши жиҳатидан энг ноёб бўлиб, тўртта автоматлашган конвейер линияси ва туннель-буғлаш камераси билан жиҳозланади.

Комбинат қурувчилари ва монтажчилари корхонанинг бир йилда 110 минг квадрат метр уй-жой тикловчи дастлабки линиясини шу йил 1 июнгача ишга туширишга аҳд қилишган.

...Қудратли 60 тоннали ўзюрар кран улкан темирбетон фермасини 15 метр баландликка кўтармоқда. Бу сўнгги мураккаб конструкция билан комбинат корпуси томи ёпилади. Темирбетон ишлаб чиқариш корпусини йиққан Анатолий Панкевич раҳбарлигидаги бригада тез орада ички металл конструкцияларининг монтажини бошлайди. Коллектив корпус монтажини топширикда белгиланганидан деярли икки баравар тез тугаллади. Хўш, у бундай ютуққа қандай эришди?

Бригада корпуснинг темир-бетон конструкциясини монтажлашга икки сменага бўлиниб киришди. Иш фронтининг олдиндан тайёрлаб қўйилиши, иш вақтининг тигизлаштирилиши уч монтажчидан иборат ҳар бир сменага топшириқни 200 процентгача етказиб адо этиш имконини берди.

— Биз барча жараёнларни шундай аниқликда олиб бормоқдамизки, — ҳикоя қилади А. Панкевич, — натижада бирон дақиқа ҳам вақт беҳуда кетмаяпти.

Панкевич бош бригада монтажчиларининг ёши ҳам, тажрибаси ҳам турлича. Масалан, Радий Хузятов — катта тажрибали ва билимли ишчи. У Троицк ГРЭСида, Ёвон насос станциясида, Норак ГЭСи қурилишида қатнашган. Қарши уйсозлик комбинати унинг учун тўртинчи йирик қурилишдир. Шунинг учун ҳам Радий Хузятов коллективда «иккинчи бригадир» ҳисобланади. У монтажчиларнинг иккинчи сменасига бошчилик қилмоқда. Владимир Тиманов ва Анатолий Суминлар ҳам кўпни кўрган монтажчилардан. Бахтиёр Ҳасанов эса бу соҳада янгилигига қарамай, топшириқларни ошириб бажаришда илғорлардан қолишмаяпти. У бунинг учун меҳрибон мураббий А. Панкевичдан миннатдор.

Иккинчи темир-бетон буюмлари заводини қуришда қатнашаётган «Каршимонтажстрой» трестига қарашли 45-бошқарманинг Резика Месхи бошлиқ илғор бригадаси ҳам металл конструкциялари монтажида ажойиб натижаларни қўлга киритмоқда.

Комплекснинг асосий корхоналари билан бир вақтда ички завод объектлари — мазут сақланадиган омбор, электр подстанцияси, қозонхона, компрессорхона ва бошқа нуқталар барпо этиляпти.

4-кўчма механизациялашган колонна ҳамда «Ирмонтажстрой», «Каршипромтаж», «Промстройматериалы» каби трестларнинг ёрдамчи пудратчи ташкилотлари коллективлари зиммасида катта вазифалар турибди. Улар 5 миллион сўмлиқдан зиёд ҳажмда иш бажаришлари, қарийб 4 минг куб метр йиғма темир-бетонни, 3 минг тоннадан зиёд металл конструкцияларини монтаж қилишлари зарур.

«Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг «Оргтехстрой» институти «Каршистрой» территориал бошқармаси, лойиҳалаш ва технология ташкилотлари билан ҳамкорликда қурилиш комплексининг барча иш графигини ишлаб чиқди, зарур моддий-техника ва ишчи ресурслари ҳисоб-китобининг инженерлик тайёргарлигини ўтказди, комплексдаги барча қурилишни бошқариш ва планлаштиришнинг оператив графигини тузувчи хизматни ташкил этди. Буларнинг ҳаммаси қурилиш ишларининг боришини, материаллар ва асбоб-ускуналарнинг етказиб берилишини кундалик ва аниқ назорат остига олиш имкониятини яратди.

Ўнинчи беш йилликда Қарши чўли ўзлаштирувчилари улкан вазифаларни ҳал этишлари керак. Бошқарма коллективи 850 миллион сўм капитал маблағни ўзлаштириш, 110 минг гектар янги ерларни хўжалик оборотига киритиш, 621 минг квадрат метр уй-жойларни ва бошқа кўплаб саноат ҳамда маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш иштиёқида завқ-шавқ билан тер тўкмоқда. Қарши бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати деб аталаётган янги йирик саноат комплексини муддатидан илгари ишга тушириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши КПСС XXV съезди томонидан Қарши чўлқуварлари олдига қўйилган топшириқларни муваффақиятли адо этишда мустаҳкам индустриал база бўлиб қолади.

В. НУДЛЕР,
«Главсредазирсовхозстрой» бошқармаси «Оргтехстрой» институтининг бош мутахассиси.

Тошкентлик машҳур тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Казанцеванинг номи барчага таниш. У Тошкент тўқимачилик комбинатидаги 36 йиллик меҳнат фаолияти давомида юз мингдаб метр турли хил газлама тўқиди. Бугунги кунда таниқли тўқувчи корхонада ишлаб чиқариш ўқуви бўйича инструкторлик қиляпти. Ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатяпти. Суратда: мураббий ишчи 85-ҳунар-техника билим юрти талабаси Умри Обидова билан.

Ш. Иброҳимов фотоси. (ЎзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРЬ ТЎҒРИСИДА СУҲБАТЛАР

НАВОИЙ. (ЎзТАГ). Навоий ГРЭСининг сиёсий маориф кабинетида Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган кўргазма очилди. Кўргазма Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда, Зарафшон водийсида рўй берган ажойиб ўзгаришларни тасвирлайди.

Шу кунларда электростанцияда юз нафар агитатор ва 44 нафар сиёсий ахборотчи Советлар мамлакати босиб ўтган шонли йўл тўғрисида, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ҳақида суҳбат ўтказмоқда, Октябрнинг 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тўғрисида гапириб бермоқда.

Коммунистларни, дастлабки беш йилликларнинг қаҳрамонларини, совет халқининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жасоратини таранним этувчи, Октябрь революцияси совет кишиларига инъом этган буюк ҳуқуқларни тасвирловчи фильмлар кўрсатилиб, тематик кечалар ўтказиш мўлжалланди.

ИЛҒОР ЗЛОБИНЧИЛАР

Иккинчи монтаж бошқармаси Тошкент уйсозлик комбинатининг илғор ташкилотларидан ҳисобланади. Меҳнатсевар бинокорлар қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини йилдан йилга оширмоқдалар. Замонавий уй-жойларни муддатидан илгари қуриб фойдаланишга топширишяпти.

Коллектив таржимаи ҳолининг дебочаси ўзгача. У янги Тошкентни бунёд этиш ишлари авж олган пайтларга тўғри келади. Уйсозлик комбинатининг биринчи монтаж бошқармаси пойтахтимизда йирик панелли уй-жойларни монтаж қилувчи ягона ташкилот бўлган. 1966 йилнинг баҳорида бу бошқарма асосида иккинчи ва учинчи монтаж бошқармалари ташкил этилди. Энди улар йирик қурилишларда тўпланган тажрибага таяниб, кўп қаватли биноларни барпо этишмоқда.

Дастлабки уй-жойлар Тошкент Черёмушкаси — Чилонзорда қурилди. Ҳозир иккинчи монтаж бошқармаси аъзолари қурган биноларни Қўйлиқ, Юнусобод, Қорақамиш уй-жой массивларида ҳам учратасиз. Кўп қаватли йирик панелли уй-жойлар Тошкент жамолига ҳусн қўшиб турибди. Бинонинг олд томони монтажида миллий нақшлар тўширилган панелларнинг ишлатилиши мақтовга лойиқ.

Коллектив орасида ўз меҳнати билан донг таратаётган илғорлар жуда кўп. Уларнинг аксарияти икки-уч касб эгаси. Бошқармада машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Злобин издошлари кўпайиб бораётганлиги айниқса, қувонарлидир. Бригада пудрат усули қатор афзалликларга эга. Меҳнат унумдорлиги ошиб, қурилиш-монтаж ишлари сифати яхшиланади, ўнинг таннархи арзонлашади.

А. Костенко бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Ойлик ва квартал планлари муттасил ошириб бажарилмоқда. Бинокорлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан маъқулланган республика илғор қурувчиларининг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб меҳнат қилмоқдалар. Топшириқларни барвақт бажариш, тежамкорликка эришиш илғорларнинг эзгу мақсади. Бригадада бир беш йилликда икки беш йилликни бажариш мажбуриятини олган бинокорлар ҳам бор. Пайвандчилар Г. Тен, А. Чайковский, монтажчи В. Луценко, бетончи Б. Орипов шулар жумласидандир.

Меҳнатсевар бинокорлар пойтахтимизнинг «Марказ-13» микрорайонида 116 хонали уй-жой биносини муддатидан 2 ой илгари қуриб битказдилар. Ҳозир улар Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли проспектда тўққиз қават 112 хонали уй-жой биноси барпо этишмоқда.

— Ютуқларимиз боиси,— дейди бригадир, — қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётганлигимизда. Бригадамизда ўндан ортиқ миллат вакили бор. Ҳар соҳада бамаслаҳат иш юритамиз.

Ленин ордени ва Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери А. Костенко ва унинг дўстлари самарадорлик ва сифат беш йиллигида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишларига ишончимиз комил.

С. ИБРОҲИМОВ.

УСТАХОНАЛАРГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Қорақалпоғистон Автоном Республикаси деҳқонлари КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, улкан зафарларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган йили салкам 200 минг тонна шоли етиштирилди. Давлатга 372 минг тонна пахта, 161,4 минг тонна шоли сотилиб, социалистик мажбуриятлар ошириб адо этилди. Беруний, Қўнғирот районлари, Тўрткўл районидаги «Коммунизм» колхози, Амударё районидаги Ленин орденли М. Горький номли совхоз ва бошқа қатор хўжаликлар умумхалқ социалистик мусобақаси голиби бўлдилар.

Автоном Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш ва янги зафарларни қўлга киритиш йўлида унумли меҳнат қилмоқдалар. Сув йўллари ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тайёрлаб қўйилди. Маҳаллий ўғит жамғариш ва уни далаларга чиқариш ишлари тезкорлик билан олиб бориляпти. Районларда, колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик техникасини кўкламга шай қилиб қўйишда бирмунча ишлар амалга оширилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1976 йил октябрь Пленумида сўзлаган нутқида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун давлат томонидан ажратиб берилаётган жуда катта моддий-техника ресурсларидан оқилона, уддабуронлик билан фойдаланиш кераклигини таъкидлаб ўтган эди. Ана шу сермазмун нутқда қишлоқ хўжалигини механизациялаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Бу қишлоқ меҳнатчиларига кўрсатилаётган улкан ғамхўрлик, албатта. Ҳар бир районда, хўжаликда ана шунга яраша бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, техникадан оқилона фойдаланилмоқда лозим. Афсуски, Автоном Республикада қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган муносабат шу кунининг юксак талаблари даражасида эмас. Автоном Республикада юздан кўпроқ колхоз ва совхоз бор. Шулардан атиги 14 колхоз ва 16 совхоз қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш устахонасига эга. Қолган етмишдан зиёд хўжаликдаги машина ва ускуналар қандай аҳволда сақланяпти?

Бундан ҳам ачинарли жойи шундаки, мавжуд 30 хўжаликдаги устахоналарнинг ярмидан кўпроғи шу куннинг талабларига жавоб бермайди. Улар зарур ускуналар билан таъминланмаган. Иситиш системалари ишламайди. Механиклар, ремонтчилар учун иш кийимлари етказиб берилмаяпти. Қораўзак районидаги З. Назаров директорлик қилаётган «Москва», Чимбой районидаги Р. Оллоназаров директорлик қилаётган «1 Май», шу райондаги Ж. Айтмуродов директорлик қилаётган «Октябрь 40 йиллиги», Қўнғирот районидаги А. Жўрабоев директорлик қилаётган «Қўнғирот», шу райондаги С. Мусаев директорлик қилаётган «Устюрт», Беруний районидаги Р. Бекитов директорлик қилаётган «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхозларининг устахоналари шулар жумласидандир. Колхозлардаги устахоналарнинг аҳволи эса бундан ҳам ачинарли.

Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министрининг механизациялаш бўйича ўринбосари Н. Тўлибергенов: «Ҳамма хўжаликларда типовой устахона бўлганида жуда яхши бўлар эди, биз техникадан фойдаланишни, самарадорлик ва сифатни кескин равишда оширган бўлур эдик, ремонт базасини мустаҳкамламасдан туриб, бу ишларни яхшилаш мумкин эмас», — дейди. Жуда тўғри фикр. Хўш, бундай ишларни рўёбга чиқариш учун ким жон куйдириши керак? Энг аввало ўртоқ Н. Тўлибергановнинг ўзи эмасми? Министрликдаги бошқа ўртоқлар-чи?

Колхоз ва совхозлар қошида ремонт-механика устахоналарини қуриш ва фойдаланишга топшириш беш-олти йилга мўлжаллаб планлаштирилади. Бу мақсадга мувофиқ эмас. Негаки, қурилиш ишлари чўзиб юборилиши оқибатида объектнинг аввал битказилган қисми ҳар хил сабабларга кўра ишдан чиқиб, ремонт талаб бўлиб қолиши мумкин. Бунинг устига, қурилиш бошланган кунларданоқ объектга эътиёт ускуналар ҳам кела бошлайди. Устахона тўла қурилиб ишга туширилмасданоқ ускуналарга ташна бўлиб қутиб турган хўжалик раҳбарлари улардан фойдалана бошлайдилар. Натижада, объект битмай туриб бу асбоб-ускуналар ишдан чиқиб қолади. Шундай экан, устахоналар қурилишини бешолти йил мобайнида эмас, икки-икки ярим йилда битказган маъқул. Амударё районидаги М. Горький номли совхозда лойиҳа-смета бўйича 729 минг сўмлик ремонт-механика базаси қурила бошлаган эди. Қурилиш асоссиз равишда бир неча йилдан бўён чўзиб юборилмоқда. Бу ерда 1975 йил мобайнида 245 минг сўмлик иш бажарилиши керак эди, 167 минг сўмлик иш бажарилди. Ўтган йили аҳвол бундан ҳам ёмон бўлди. Пландаги 407 минг сўмлик ўрнига 61 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилди, холос. Бу йил эса 187 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Йил бошидан буён бирор сўмлик ҳам иш қилинганги йўқ.

Шу райондаги «Манғит» совхозида қурила бошланган объектларда аҳвол бундан ҳам ачинарли. Ремонт-механика комплекси ва бошқа муҳим объектлар қурилиши ўлда-жўлда бўлиб ётибди. Қурилиш ишларини тезлаштиришда Қорақалпоғистон АССР Қишлоқ хўжалик министрлигидаги масъул ўртоқлар сусткашлик кўрсатишмоқда. «Манғит» совхозидаги мазкур объект ва бошқа битмай ётган биволар қурилишини тезлаштириш ҳақида Э. Тожибоев бошқарувчилик қилаётган «Трестресколхозстрой» раҳбарлари жиддий ўйлаб кўришлари керак.

«Кегайли», «Қуролпа», Усмон Юсупов номли шоличилик совхозларида 1100 дан ортиқ турли қишлоқ хўжалик техникаси мавжуд. Уларнинг аксарияти очиқ ҳавода сақланаётганлиги сабабли ёғин-сочин остида қолиб, ишдан чиқяпти. Автоном Республикада шоличилик тобора ривожланиб бораётганлигига қарамай комбайн ва бошқа механизмларни ремонт қиладиган биронта ҳам устахона йўқлигига ачинасан, киши. Қўнғирот районида «Промбаза» қурилишининг бошланганига ҳа демай ўн йил тўлади. Шу йиллар мобайнида бу ерда ниландаги 700 минг сўмлик қурилиш ишларининг ярми ҳам бажарилгани йўқ.

«Қаракалпакирсовхозстрой» бошқармасидаги масъул ўртоқлар ва унинг бошқарувчиси Ж. Полвонов муҳим объект қурилишига эътиборсизлик билан қараб келмоқда. Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида устахоналар ва ремонт-механика майдончалари қурилишларини тезлаштиришда Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси, «Средазирсовхозстрой» бошқармаси раҳбарлари яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Автоном республикада механизатор кадрлар тайёрлаш ва улардан ўз ўрнида фойдаланиш ишлари ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу соҳада хўжаликларда конкрет ҳисоб-китоб юритилаётгани йўқ. Ҳар йили тўрт ва олти ойлик курслари ювлаб киши битириб чиқаётганлигига қарамай механизатор кадрлар етишмаяпти.

Биз муҳим проблемаларни қисқача бўлса ҳам баён этиб ўтдик. Тегишли ташкилотлар, масъул ўртоқлар бу масалаларни ҳал қилишга қатъий киришадилар, деб умид қиламиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ХУШХАБАРЛАР

ҚЎЙЛАР КЎПАЯДИ

Жиззах области қўйчивонлари боқиш режаларини туздилар. Қўй ва эчкилар сонини ўтган йилдагига нисбатан 30 процентдан кўпроқ ошириш тадбирлари белгиланди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани қизитаётган чўпонлар қўзилатиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу йил баҳорда 357 минг қўзи олиш ва унинг 241 бошини ўстиришга қолдиришга аҳд қилинган. Шу мақсадда чўпонларга ёрдам учун қўшимча равишда 710 киши, 82 юк машинаси, 126 тележка ажратилди. Иссиқўлчилар тайёрланди. Область партия комитети бюроси область қўйчивонларининг қўй-эчкилар сонини 1976 йилга қараганда 150 минг бошга ошириш юзасидан белгиланган тадбирларини маъқуллаб, қарор қабул қилди.

САБЗАВОТКОРЛАР ҒАЙРАТИ

Арнасой райони сабзавоткорлари 350 тонна картошка, 2600 тонна сабзавот етиштириш шиори остида меҳнат қилаётирлар. Механизаторлар 29 та ҳайдов тракторини далага олиб чиқишди. Шудгорланган далаларни бороналаш, ариқзовурларни тозалаш қизитиб юборилди.

Районда янги ўзлаштирилган 1100 гектар янги ерга баҳорги дон экиш ниҳоясига етмоқда. Жуков номли, Гречко номли совхозларда пиёз, картошка, редиска, беда экиш ишлари жадал олиб борилаётир. Гречко номли боғдорчилик совхозининг Александр Ким бошлиқ бригадаси азаматлари 20 гектар ерга пиёз экиб, ҳар гектар ердан 20 тоннадан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

ҒАЛЛА ЭКИЛЯПТИ

Зомин ғалланорлари тўққиз минг гектар ерда баҳорги дон экишни тугалламоқдалар. Далада 15 агрегат унум билан ишлаб турибди. Ҳар бир агрегатга 4-5 тадан сеялка тиркалган. Шунинг ўчун кунлик экиш 1,5 минг гектардан кўпроқни ташкил этяпти. Ишда Ш. Фозилов, В. Шлейгин сингари механизаторлар юқори кўрсатичларга эришмоқдалар.

Ғалла бир текисда униб чиқан 70 минг гектардан кўпроқ майдонни ўғитлаш ишлари қизитиб юборилди. Район ғаллакорлари 35 минг гектар ердаги кузги ғаллазорларни ўғитлаш режасини тузишган. Шу мақсадда 5 самолёт, 7 та «РУМ-4» машиналаридан унумли фойдаланилмоқда.

М. НУҲМОНОВ.

халқаро воқеалар

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ОКТЯБРЬ ЗАФАРЛАРИНИНГ УЛУҒВОРЛИГИ

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорига билдирилган фикрлар ҳали ҳам келиб турибди. Чет мамлакатлардаги матбуот, таниқли сиёсий арбоблар ана шу ҳужжатни шарҳлаб, Россияда рўй берган революцион воқеаларнинг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини кўрсатиб ўтмоқдалар. Бу воқеалар бутун инсоният тараққиётининг боришини тубдан ўзгартириб юборади.

● СОФИЯ. Миллион-миллион кишилар Октябрнинг буюк ўзгартирувчанлик кучидан далолат берувчи КПСС Марказий Комитетининг қарорини тўлқинланиб ўқиб чиқдилар. Бу куч оммани сафарбар этмоқда, уларни руҳлантирмоқда ва янги адолатли дунё учун, хавфсизлик ва ялпи тараққиёт учун курашаётган ҳамма кишиларга ишонч бағишламоқда, деб таъкидлайди «Отечественный фронт» газетаси.

● БУДАПЕШТ. Венгрияда чиқадиган «Мадьар немзет» газетаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бўлажак юбилейига бағишланган КПСС Марказий Комитетининг ҳужжати бутун дунёда эўр қизиқиш туғдирди, деб ўқтириб ўтади. Бу эса табиий бир ҳолдир, чунки бу ҳужжатда тарихий давримизнинг характерли хусусиятлари тўғрисидаги энг муҳим хулосалар таърифлаб берилган. Бу ҳужжатда халқаро вазият, тараққиётнинг эҳтимол тутилган истиқболлари таҳлил қилинган. Ҳеч бир ҳукумат, давлат ёки сиёсий арбоб йўқки, бунга эътибор бермайдиган бўлсин. Тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрнинг моҳиятига КПСС Марказий Комитети берган баҳони якдиллик билан маъқулламоқда. Социалистик ҳамдўстликнинг буюк юбилейи йилида бутун дунёдаги унинг дўстлари ўз кучларини тинчлик ва социал тараққиёт учун кураш йўлидаги улуғвор вазифаларни ҳал қилишга қаратмоқдалар.

● УЛАН-БАТОР. Монцамэ агентлигининг сиёсий обзорчиси бундай деб ёзади: жаҳон халқлари Улуғ Октябрь вужудга келтирган Совет давлатининг қаҳрамонона тарихини, совет халқи коммунизм қурилишида КПСС ва унинг атоқли марксчи-ленинчи Л. И. Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида қўлга киритаётган жуда катта муваффақиятларни тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун олиб бораётган курашнинг илҳомбахш ва сафарбар этувчи намунаси деб биладилар.

● НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг тараққийпарвар ташкилотлари Октябрнинг юбилейига тайёргарлик кўрмоқдалар. Тинчлик учун кураш ҳаракатининг ташаббуси билан мамлакатнинг турли шаҳарларида ана шу тарихий санага бағишланган конференция ва семинарлар ўтказилади, оммавий митинглар уюштирилади. Американинг марксистик тадқиқотлар институти ва кўпгина штатларда ишлаб турган марксистик маорифлари ёрдами билан Россияда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тажрибасини, унинг жаҳон тарихининг боришига таъсирини ўрганиш юзасидан назарий семинарлар ўтказилади.

АҚШ Коммунистик партиясининг мамлакатнинг турли штатларидаги бўлимларида комитетлар тузилмоқда. Бу комитетлар миллий комитетнинг умумий раҳбарлигида партия ташкилотларининг Октябрнинг 60 йиллигини байрам қилишга тайёргарлик соҳасидаги бутун фаолиятини мувофиқлаштириб туради.

● БОННГ. Ғарбий Германия коммунистларининг органи «Ўнзере цайт» газетаси таъкидлайдики, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси XX асрдаги асосий воқеа бўлди. Бу воқеа бутун инсоният тараққиётининг боришини тубдан ўзгартириб юборди. «Ўнзере цайт» жаҳон сиёсатининг етакчи омили бўлиб қолган социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг вужудга келишининг аҳамиятини алоҳида уқтириб ўтади. Ана шу социалистик ҳамдўстлик, деб ёзади газета, «совуқ уруш»дан халқаро кескинликнинг юмшатилиши сари ижобий бурилишни амалга оширишга муваффақ бўлди.

● КАРАКАС. Венесуэла Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Эдуардо Гальегос Мансера бундай деди: беш қитъадаги тараққийпарвар жамоатчилик Улуғ Октябрь революциясининг шонли 60 йиллигини байрам қилади. Бу революция ер юзининг анчагина қисмида кишини киши томонидан эксплуатация қилинишини тугатди. Совет Иттифоқи изчиллик билан амалга ошираётган сиёсат бутун инсоният манфаатларига мос бўлиб тушади. Шу боисдан бу сиёсатни халқлар ҳамма жойда маъқулламоқда ва қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқининг таклифлари, деб давом этди Э. Гальегос Мансера, КПСС, бутун совет халқи уруш хавфидан ҳоли бўлган тинчликка астойдил интилаётганлигидан далолат беради. Ривожланаётган мамлакатлар шу жумладан Венесуэла Октябрь Ватанини ўзининг озодлиги ва мустақиллигига империализм қилаётган ҳамлаларга қарши адолатли курашда таянч деб билади. (ТАСС).

ВАРШАВА:

ИҒВОГАРЛИК КАМПАНИЯСИ ҚОРАЛАНМОҚДА

Польшанинг кўпгина шаҳарларида, корхоналарида митинглар бўлиб ўтди. Митинг иштирокчилари кейинги вақтларда ГФРнинг реваншчи кучлари томонидан Польшага қарши ва ПХР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни нормалаштириш жараёнига қарши қаратилган иғвогарлик сонини таъкидладилар.

Бу кампания, дейилади митингларда қабул қилинган резолюцияларда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш Якунловчи актининг принципларига зиддир, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантиришга ҳалақит беради.

Варшавадаги Г. Димитров номли юқори вольтли аппаратлар заводи коллективи «совуқ уруш» усули билан ГФРда Польшага қарши олиб борилаётган кампанияни кескин қоралади. Иккинчи жаҳон уруши вақтида ўзининг 800 минг гражданидан маҳрум бўлган ва деярли тамомила вайрон қилинган шаҳарнинг аҳолиси сифатида ўз фикримизни айтиш ҳуқуқига эгамиз, дейилади қабул қилинган резолюцияда. Яна шу резолюцияда поляк халқи ГФР билан кескинликка йўл қўйилмайдиган муносабатларни ўрнатишга ҳамиша интилиб келганлиги таъкидланади.

Освенцим, Ополе, Бидгошч, Лодзь, Люблин ва бошқа шаҳарларда ҳам Ғарбий Германия реваншчи кучларининг иғвогарлик кампаниясига қарши намойишлар бўлиб ўтди.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

АГРЕССОРЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР

Яқинда Оқ уйда президент Ж. Картер билан Исроил бош министри И. Рабин ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Вашингтондаги маъмурлар ўзгариши АҚШнинг исроиллик агрессорларга ҳар тарафлама мадад беришдан иборат позициясига таъсир ўтказмаганлигини шу музокаралар кўрсатди.

Музокараларда Тель-Авивга Америка ҳарбий ёрдамини янада кучайтириш тадбирларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди. Картер ҳукумати келгуси молия йилида шу мақсадлар учун қилинадиган харажатларни аввалги маъмурият бюджети лойиҳасидаги 1,5 миллиард доллардан 1,8 миллиард долларга етказди. Аммо бу ҳам Тель-Авивга етарли эмас эмиш. «Крисчен Сайенс монитор» газетасининг хабар қилишича, Рабин Вашингтон олдига ҳарбий ёрдам ҳажмини яна 500 миллион доллар миқдорида кўпайтириш масаласини қўйди. Исроил АҚШдан «аэрозол бомбалар» деб аталган бомбаларни етказиб бермаслик тўғрисида илгари эълон қилинган қарор қайта кўриб чиқилсин, ёки шу бомбалар ўрнига «ундан қолишмайдиган қурол-ярог» берилсин деб талаб қилмоқда.

Визит Вашингтон билан Тель-Авив Яқин Шарқ можаросини бартараф этиш хусусида «яқдил» эканлигини намойиш қилди. Оқ уй вакилининг маълум қилишича, президент Ж. Картер АҚШнинг «бақувват Исроилни сақлаб қолиш» тўғрисидаги мажбуриятини тасдиқлади. Бунинг устига, Америка президенти биринчи марта Исроилнинг «ҳимоя қилинадиган чегаралар» деб аталган чегараларини унинг учун таъминлаб бериш тўғрисидаги талабларини қўллаб-қувватлади. Маълумки, Тель-Авив ана шундай баҳонани рўкач қилиб, 1967 йилги агрессия вақтида босиб олинган араб ерларини бўшатиб беришдан бош тортмоқда.

АҚШ президентининг бундай баёноти БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Яқин Шарққа доир резолюциялари талабларига зиддир. Араб мамлакатларининг Вашингтондаги элчилари изоҳ олиш учун давлат секретари С. Вэнс билан дарҳол учрашув ўтказилишини талаб қилдилар.

Исроилнинг Фаластин халқи қонуний ҳуқуқларини тан олмаслик позицияси ҳам Вашингтонда «тўла равишда тушунилиб» қутиб олинди. Оқ уй вакилининг АҚШ Яқин Шарққа бағишланган Женева сулҳ конференциясида Фаластин озодлик ташкилотининг иштирок этиши учун «имконият йўқ» деб ҳисоблайди, деган баёноти ана шундан далолат беради.

Вашингтоннинг қўллаб-қувватлашидан руҳланган Исроил бош министри асосий масалаларда Исроил ён бермайди, деб айтди ва можарони бартараф этиш йўлида бу йил силжишга эришиш тўғрисидаги умидларни «нореалистик умидлар» деб атади.

Кўпчилик кузатувчиларнинг фикрича, Америка — Исроил музокараларининг навбатдаги давраси Яқин Шарқ проблемасини ҳал этишга кўмаклашиш у ёқда турсин, балки, аксинча, Вашингтон билан Тель-Авивнинг шу районда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлларини қидириш жараёнига путур етказиш сиёсатига қаттиқ ёпишиб олганликларини тасдиқлади.

(ТАСС).

КАПИТАЛ ДУНЁСИ:

ЗАБАСТОВКА ҚУРАШИ КЕНГАЙИБ БОРМОҚДА

● РИМ. Милан, Турин, Рим ва Италиянинг бошқа шаҳарларидаги энг йирик металлургия ва машинасозлик корхоналарининг меҳнаткашлари қисқа муддатли забастовкалар ўтказдилар. Иш ташловчилар ўсиб бораётган ишсизликка қарши, капитал маблағ сарфлаш борасида янги сиёсат ўтказиш, меҳнатни ташкил қилишни яхшилаш юзасидан чоралар кўришни талаб қилмоқдалар. Биргина Туринниг ўзидаги забастовкада меҳнаткашлардан 230.000 дан кўпроқ киши қатнашди.

Италиянинг энг йирик «Монтэдисон» химия концерни барча корхоналарининг меҳнаткашлари ҳам тўрт соатлик умуммиллий забастовка эълон қилдилар. Улар корхона эгаларининг жанубий областларда жойлашган корхоналарга капитал маблағлар сарфлашни кўпайтириш тўғрисида касаба союзлар талабларини қондиришдан бош тортганликларига қарши норозилик билдирмоқдалар.

● БРЮССЕЛЬ. «Дассо-авиасьон Бельжик» фирмасининг Госли шаҳридаги самолётсозлик заводи ишчилари қисқа муддатли забастовка ўтказдилар. Улар меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар. Ишчилар башарти ўз талаблари қондирилмаса, 21 март куни умумий забастовка ўтназамиз деб огоҳлантирдилар.

● МАДРИД. Жамоат ишлари министрлиги қарамоғидаги корхоналаринг ишчи ва хизматчиларидан қариб 20 минг киши маъмурият янги меҳнат битимлари тузишдан бош тортганлигига қарши норозилик билдириб, забастовка эълон қилди. Бу забастовка мамлакатнинг кўпгина районларига, шу жумладан Мадрид ва Барселона сингари йирик вилоятларга ҳам ёйилди. Иш ташловчилар иш ҳақининг кўпайтирилишини ва социал таъминот яхшиланишини талаб қилмоқдалар. Аранхуэс, Картахена шаҳарлари, шунингдек Канар ва Балеар ороллари қурувчиларидан ўттиз мингдан кўпроқ киши меҳнатга кам ҳақ тўлаётганлигига қарши норозилик билдириб ишга чиқишдан бош тортди.

● БОГОТА. Колумбия давлат муассасаларининг ходимларидан юз минг киши нарх-наво ошиб бораётганлигига қарши норозилик билдириб, шунингдек иш ҳақининг кўпайтирилишини талаб қилиб, 24 соатлик забастовка ўтказди. Мамлакатдаги энг йирик касаба союз бирлашмаларидан бири бўлган Колумбия меҳнаткашлари касаба союз конфедерацияси бу забастовкани қўллаб-қувватлади.

(ТАСС).

«ҒАЛВАСИЗ» ТАЛОН-ТОРОЖ

Кейинги пайтларда Лондонда чиқадиган газеталар Родезия ҳақида кўп ёзадиган бўлиб қолишди. Матбуот органларининг йўналишига қараб бу мамлакатдаги воқеалар у ёки бу йўсинда талқин қилинаётир. Лекин уларнинг ҳаммасида кўтарилаётган масаланинг моҳияти битта: улар бир ҳовуч оқ танли иркчиларнинг режими қачонгача бу мамлакатда ҳукмронлик қилоларкин, деган муаммо ҳақида сўз юритмоқдалар. Ян Смит режими Ғарбий Европа ва Америка корпорациялари билан бевосита ва билвосита алоқадор эканлиги ҳисобга олинса, Ғарб матбуоти Родезиянинг келажаги тўғрисида бунчалик ташвишга тушиб қолганлиги сабаби аён бўлади.

Намибияга келганда аҳвол бошқачарок. Ғарб матбуоти бу мамлакат хусусида кўп ёзмасликни маъқул кўради. Аммо бу ерда ҳам ўша корпорациялар ортиқча «ғалвасиз» телонторож қилиш билан машғул.

Англиянинг «Рио Тинто цинк» ва Англия-Жанубий Африка Республикасининг қўшма «Консолидейтед Голд Филдс» компаниялари ва Англия—Америка корпорацияси бу ерда уран, олмос, мис, кўрғошин, рух, ванадий, қалайи ва вольфрам қазиб олмоқдалар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу компанияларга Намибияда фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан шуғулланишни ман этганига қарамай, улар Намибия бойликларини талонторож қилишдан воз кечмоқчи эмаслар. Бунинг устига Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1979 йилга бориб Намибияга мустақиллик бериш тўғрисидаги тавсияномаси муносабати билан империалистик мамлакатлар унинг мустақиллигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш тараддудига тушиб қолишди.

Жанубий Африка Республикаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Жануби-Ғарбий Африка конституцион конференцияси» бир неча йилдан бери давом этиб келмоқда. Бу конференция Намибияни ким бошқаришини «ҳал этиб бериши» керак. Бирок Намибия халқининг манфаатларини ҳимоя қилувчи ягона ташкилот — СВАПО бу конференцияда катнашиш у ёқда турсин, унинг қарорларини ҳам тан олмаётир. Жанубий Африка Республикаси ва унинг ҳомийлари эса икки максадни кўзлаб иш тутмоқдалар. Аввало, СВАПОни мамлакатга раҳбарлик қилишдан қандай бўлмасин четлатишни кўзламоқдалар. Иккинчидан, кабила бошлиқларидан бири — Капууо бошчилигида кўғирчоқ ҳукумат тузишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу масалада Американинг «Бернс энд Якоби» юридик конторасининг активлик кўрсатмоқда. АҚШнинг миллионер Аллен Манус каби пулдор корчалонлари сотқин қабила бошлиғини қўллаб-қувватламоқда. «Санди таймс» газетасининг ёзишича, Манус «Намибияда 25 миллион акр майдонда, яъни бу мамлакат бутун майдонининг олтидан бир қисмида кон-кидирув ва қазиб чиқариш ишлари билан шуғулланиш ҳуқуқи бўлган кампания акцияларининг эгасидир».

Илгари банан савдоси билан шуғулланган компания вакили Жэк Саммерснинг мана бу гапи диққатга сазовор: «Мен қабила бошлиғи Капууо билан савдо қиламан, лекин унинг бир ўзи сотишга ярамайди, уларнинг ҳаммасини кўтарисига сотмок керак». Саммерс бунда «конституцион конференция»да СВАПОга қарши чиқаётган барча қабила бошликларини кўзда тутмоқда эди.

Ғарбнинг «ғалвасиз талон-торож» сиёсати Намибияда империалистик монополияларнинг эксплуатациясини сақлаб қолишга қаратилган янги мустамлакачилик сиёсатининг айни ўзидир. Лекин мустамлакачилар барибир «ғалвасиз» иш кўришлари мушкул. Чунки мамлакатда миллий озодлик курраши кун сайин кучайиб бормоқда ва эндиликда унинг наъраси Иоганнесбургдагина эмас, Лондон ва Нью-Йоркда ҳам баралла эшитилмоқда.

Жеймс ОЛДРИЖ,
инглиз ёзувчиси.
(АПН).



САМАРҚАНД ОБЛАСТИ. Самарқанд районидаги колхозлараро чорвачилик бирлашмасини реконструкция қилиш тугалланай деб қолди. Барча қулайликларга эга бўлган бу бирлашмада ҳозир 10 минг қорамолни боқиш учун барча имкониятлар мавжуд бўлади. Комплекс реконструкция қилингандан кейин эса 15 минг қорамолни семиртириш учун қулай шароит яратилади. Суратда: мазкур чорвачилик комплексида.

Р. Ғофуров фотоси, (ЎзТАГ).

БАЙРОҚ ТОПШИРИЛДИ

Каттақўрғон район колхозлари ва совхозлари 1976 йили ғалла етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни ошириб бажардилар. Ҳосилдорликни оширдилар. Гўшт, сут, пилла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда яхши ютуқларни қўлга киритдилар. Бултур даалатга икки ярим баравар план миқдорида дон сотдилар. Район ана шу катта муваффақиятлари учун мусобақада ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат Б. Р. Раҳимов район колхозчиларини табриклаб, кўчма Қизил байроқни топширди. Тантанали митингда Ҳурмат белгиси орденли «Пролетарий» колхозининг раиси Ж. Бобоев, Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, КПСС XXV съезди делегати Н. Саматова ва бошқалар сўзга чиқиб, ошириллган мажбуриятлар қабул қилдилар. Район пахтакорлари юбилей йилида она-Ватанга камида 65 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилишди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

СЕЯЛКАЧИЛАР ДАЛАДА

Турғунбой Жоматов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси Чуст районидаги Ленин номли колхозда биринчи бўлиб маккажўхори экишга киришди.

Экишга тушиладиган куни эрталаб ҳамманинг кайфияти кудди байрамлардагидек эди. Ишга тахт қилиб қўйилган агрегатлар картанинг бир чеккасида қатор турарди. Сеялкаларнинг бункерлари сара уруғ билан тўлдирилди. Партия комитетининг секретари Саидаҳмад Мираҳмедов билан машинада ёш маккажўхорикорларнинг мураббийси оқсоқол Чимирбой Холдоров ҳам келди. Колхознинг етмиш яшар ветерани техникани синчиклаб кўздан кечирди, далани у ёқдан бу ёққа юриб текшириб, кафтига бир қисм тупроқ олиб кўрди.

— Ер яхши тайёрланибди,— деди Чимирбой ота тракторчиларга мурожаат қилиб, — экишни бошласа бўлади.

Мотор садолари янграб, машиналар бамисоли кемадек сузиб кетди. Тупроққа маккажўхори уруғини уяга аниқ ташлайдиган сеялкалардан дастлабки уруғ қадалди.

— Ўзимизнинг 70 гектарлик майдонимизга беш иш кунида маккажўхорини экиб бўлишга қарор қилдик, — деди бригада бошлиғи, — Биз гектаридан юз центнер дон топшириш мажбуриятини олганмиз. Бу ўтган йилдагидан анча кўп.

Механизаторларнинг ҳисоб-китоблари пишик. Ерга ўтган йиллардагига нисбатан кўпроқ минерал ва маҳаллий ўғит солинади. Уруғлик яхшилаб сараланган. «Дала маликаси»ни парвариш қилиш муддатлари аниқ белгиланди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини яхши биладди.

...Эртадан кечгача далада трактор садолари тингани йўқ. Механизаторлар ошиқмоқдалар. Улар баҳор фаслидаги ҳар бир дақиқанинг қадрини яхши биладилар. Тупроқ қотмасдан маккажўхорини экиб олиш керак. Тупроқнинг намини қочирмаслик тадбирлари кўрилган.

Деҳқон юраги йил бўйи хотиржамлик нималигини билмайди. Лекин унинг юраги кўклам фаслида алоҳида тўлқинланади. Баҳор фаслида далага биринчи марта чиққанида ҳосил тақдирини ўйлаб, унинг юраги бўлакча уради. Турғунбой Жоматов бошлиқ коллектив аъзолари сингари ҳар бир кишининг кўнглида завқ-шавқ қайнайди.

Бошқа бригадаларда ҳам иш пухта ташкил этилганлиги, дала ишларининг дастлабки аниқ мароми колхозда экиш-тикишни мўлжалдагидан барвақтроқ ўтказишга ёрдам беради. Шу тарика яна бир резерв топиладики, бу — ёш ғаллакорларга ўз мўлжалларига эришиш, республика комсомоли юбилей йилида ваъда қилган бир миллион тонна Ўзбекистон ғалласини етиштиришга муносиб ҳисса қўшиш имкониятини беради. (ЎзТАГ).

КЎЧАТ ЭКИНГ — БОҒ ҚИЛИНГ!

ЯШИЛ ЛИБОС

Шу кунларда Тошкентдаги олий ўқув юртларининг студентлари, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, идоралар, илмий-тадқиқот институтларининг ходимларию мактаб ўқувчилари шаҳарни кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Дам олиш кунлари минглаб шаҳарликлар ўз корхоналари, билим даргоҳлари, истироҳат боғлари, маҳаллалар ва анҳор бўйларига нав-ниҳоллар ўтказишмоқда.

Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришда Чилонзор райони меҳнаткашлари ибрат кўрсатмоқдалар. Улар баҳор кезлари 130 минг тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказишмоқчи. Бутунгача район территориясидаги кўчаларнинг ёқалари, анҳор бўйлари, маданият ва истироҳат боғларида, маҳаллаларда жами 90 минг туп кўчат экиб бўлинди.

Чилонзорликлар билан мусобақалашаётган Ленин ва Сергели районларининг меҳнаткашлари ҳам кўчат экиш борасида олдинда бораётирлар. Ленин райони саноат корхоналари, олий ўқув юртларининг студентлари 80 минг туп дарахт кўчати ўтказдилар. 15 мартгача яна 34 минг туп дарахт кўчати экиб, ўз сўзларининг устидан чиқишмоқчи. Сергели район темир-бетон заводи ишчилари ва мактаб ўқувчиларининг ғайрати ҳам таҳсинга лойиқ. Сергелиликлар баҳорнинг биринчи ойи охиригача 126 минг туп хилма-хил дарахт кўчатлари ва яшил тўсиқлар ўтказишмоқчи. Улар бугунгача 100 минг тупдан ортиқ кўчат экишди.

Киров райони меҳнаткашлари Ж. Обидова номли кўчанинг икки томонига 200 туп чинор, 50 минг туп манзарали дарахт кўчатларини экиб бўлишди. Райондаги кенг кўчалар, ариқ бўйлари ва тобора кенгайиб бораётган Юнусобод массивида 40 минг тупга яқин дарахт ниҳоллари экилди. Ҳамза районида эса ўтказилган дарахт кўчатлари ва яшил тўсиқлар 500 минг тупга етди. Шаҳарнинг турли ерларидаги гулзорларда, катта-кичик боғларда жами 7 миллион дона ҳар турли гул кўчатлари экилади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, кўкаламзорлаштириш ишлари қизғин давом этаётган бир дамда бундай саховатли ишни ўлда-жўлда амалга ошираётган ташкилотлар ҳам йўқ эмас. ЖЭКлар, айрим идора ва муассасаларнинг раҳбарлари, шаҳар коммунал хўжалиги бошқармаси, баъзи министрликлар, айниқса Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, республика Қурилиш министрлиги коллективлари ободонлаштириш ва кўчат экиш борасида ҳали етарли иш қилганлари йўқ. Кўчат экиш ишларининг биринчи муддати тугашига оз вақт қолди. Тошкентни яшил либосга буркаш учун ғайрат билан меҳнат қилаётганлардан ибрат олиб, умумий ишга муносиб ҳисса қўшиш ҳамманинг ишига айланиши керак.

Р. ИСҲОҚОВ.

Қишки таътилдан сўнг Нукус давлат университетида яна ўқиш бошланиб кетди. Суратларда: 1. Дорилфунуннинг шоличилик факультети I курс студентлари қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Утинияз Беннизов раҳбарлигида амалий машғулот ўтказишяпти. 2. Филология фанлари доктори, рус тили ва адабиёти факультетининг декани Есемурот Бердимуратов ва филология фанлари кандидати Бозорбой Қўшчоновлар. 3. Химия-биология факультетининг лабораториясида амалий машғулот пайти. Р. Сандов фотолари.

АХБОРОТ

ЖИЗЗАХ

Ансамбль Югославияга боради

Қурилиш материаллари комбинатининг «Октябрь 50 йиллиги» маданият саройи қошидаги «Гул диёрим» вокал-чолғу ансамбли «Главсредазсовхозстрой» хаваскорлик тўгараклари коллективларининг Андижонда бўлиб ўтган кўрик-кўнкурсидан ғалаба билан қайтди. Жюри кўрик областдан қатнашган бу ансамблга биринчи ўринни берди. Бу ансамблнинг ўн йиллик фаолияти давомида қўлга киритган ягона ютуғи эмас. Станислав Арутюнов раҳбарлигидаги халқ ҳаваскорлари Ўрта Осиё бўйлаб ўз талантларини бир неча бор намойиш этиб, доимо томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келишган.

Ансамбль қатнашчилари шу йил май ойида Югославия Социалистик Федератив Республикасига бориш учун йўлланма олдилар.

Йўллар бехатар бўлсин учун

Кўча ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш кўп жиҳатдан шоферлар билимини ошириш билан боғлиқдир. Шуни ҳисобга олган Жиззах область давлат автоинспекцияси шоферлар курсини битирувчилардан имтихон олишни автоматлар зиммасига юклади. Бу иш «Вятка-20» электрон автомат машинаси томонидан жуда тез, қулай ва одилона бажарилмоқда. Саволларга курсант тўғри жавоб топса, у кнопкани босиши билан автомат баҳони кўрсатади. Тополмаса «нотўғри» сўзи ёзилади.

— Автомат бўлажак шоферлар билимини тўғри баҳолаш билан бирга ўқитувчи ва курсантлар вақтини ҳам тежайди. 30 кишилик группадан имтиҳон олиш учун 3-4 соат ўрнига 15 минутча вақт кетади. Инспекцияда сўнгги бир ойда шу йўл билан 120 киши машина ҳайдаш гувоҳномаларини олди.

Совриндор университет

Область «Билим» жамияти янгича урф-одатларни пропаганда қилишда турли усуллардан фойдаланмоқда. Жойлардаги мавжуд 60 халқ университетларида фан ва маданият бўйича 6 мингдан зиёд тингловчи актив фаолият кўрсатмоқда. Жиззах районидаги Тоқчилик қишлоқ Совети қошидаги атеистлар университети тингловчилари тўйларни янгича ўтказиш, эскилик қарқитларига қарши кураш борасида ибратли ишларни олиб бормоқда. Университет ректори, халқ маорифи аълочиси Очил Қобилов, тингловчилардан СССР халқ маорифи аълочиси Зиё Даминов, Олим Шукуров, Эркин Расуловлар амалга оширган ишлар республика «Билим» жамияти правлениесида юқори баҳоланиб, халқ университетига 3-даражали диплом ва пул мукофоти беришга қарор қилинди.

Жайронларни асранг

Область ўрмон хўжаликлари бошқармаси Арнасой ўрмон хўжалигини ташкил этишга киришди. Арнасой массиви Жиззах чўлининг қум саҳроли ҳамда катта сув ҳавзасига эга бўлган зонаси ҳисобланади. Саҳронинг саксовулзорларида чўл оҳуси — жайронлар, сув базасида эса турли балик ва сувсарлар кўп учрайди. Бу массивда ўрмон хўжалиги ва қўриқхонасининг ташкил этилиши табиатни муҳофаза қилиш қоидасига мос — жайрон ва сувсарларни асраш ва кўпайтириш имконини беради. Ўрмон хўжалиги ва қўриқхона 90 минг гектар майдонни эгаллайди.

Яқин йиллар ичида Арнасой массивида ўрмончилар кучи билан минглаб гектар саксовулзорлар ва сувсар кўпайтириладиган ихтисослашган хўжаликлар бунёд этилади. Сув ҳавзаларининг қамишзорларида эса ёвойи чўчқалар ҳам кўпайтирилади.

Н. МИРЗАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Спорт. Спорт. Спорт.

ПЕШҚАДАМНИНГ МАВҚЕИ

Волейбол бўйича олий лига командалари иккинчи давра ўйинларини бошлади. Мамлакат чемпионлиги учун аёллар ўртасида ўтказилаётган баҳснинг биринчи тури Тошкент Округ офицерлар уйида старт олди. Тошкентнинг «Автомобилист» командаси волейболчи қизлари бу сафар ўз майдонларида кўч синашмоқдалар. Волейболчиларимиз чемпионатнинг биринчи даврасида (Москва ва Боку шаҳарларидаги тур мусобақалари) жами беш очко жамғариб тўққизинчи ўринни эгаллашган. Командамиз Москвада дуруст натижаларни қўлга киритишганди. Бокудаги баҳсларда эса, бир неча имкониятлар бой бериб қўйилди. Шу тарифа тошкентликларнинг кучли саккизликдан ўрин олиб, чемпионат охирида фахрли ўрин учун курашиши ҳозирги тур учрашувларининг натижасига кўпроқ боғлиқ бўлиб турибди.

«Автомобилист» волейболчилари биринчи учрашувда Бокунинг «Нефтчи» командаси билан кўч синашдилар. Мухлисларни бағоят қувонтирган бу ўйинда волейболчиларимиз кўтаринки руҳда баҳслашдилар. Мусобақа бошидан охиргача ташаббусни қўлдан бермадилар. Учрашувнинг биринчи ва иккинчи қисмларини 15:12 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилган тошкентликлар танаффусдан кейин ҳам бўш келмай, умумий ҳисобда 3:0 билан ғалабани қўлга киритишди. Мусобақанинг биринчи куни шунингдек, «Буревестник» (Ленинград) — «Кировец» (Новосибирск) — 3:1, ЦСКА — «Буревестник» (Киев) — 3:1 командалари ҳам ўзаро баҳслашдилар.

Шанба куни чемпионат бошидан бери пешқадамликни қўлдан бермай келаётган, барча учрашувларни мағлубиятсиз ўтказаётган москвалик динамочилар яна ўз анъаналаригa содиқ қолишди. Улар биринчи учрашувни тошкентликлар билан ўтказишди. Бу ўйинда аввалига волейболчиларимиз икки маротаба (15:13, 15:9) ютуқни қўлга киритиб, кейин имкониятни бой беришди. Умумий ҳисобда эса пойтахт динамочилари 3:2 билан ғолиб келиб, қимматли очкони қўлга киритдилар.

Ўтган куни энди очкосини 13 тага етказиб олган москвалик динамочилар ленинградлик студентлар билан кўч синашиб (3:2), яна мавқеларини мустаҳкамлашди. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. ЦСКА — «Нефтчи» — 3:1, «Буревестник» (Киев) — «Кировец» (Новосибирск) — 3:1. Кеча мусобақа пешқадамлари — пойтахт динамочилари билан армиячилари ўзаро баҳслашдилар.

ШАХМАТ

АЪЗАМОВГА ХОС ЮРИШ

Олмалиқлик шахматчилар оиласи дейилганда мухлислар ота ва ака-ука Аъзамовларнинг номини ёдга олишади. Уларнинг кенжаси, аммо унвон жиҳатидан каттаси Г. Аъзамов яқинда яна бир ажойиб ютуқни қўлга киритди. Олмаота шаҳрида якунланган ёш истеъдодли шахмат мастерларининг мамлакат VII чемпионатида биринчи ўриннинг жой олди. Бу салмоқли натижани гроссмейстерлик йўлидаги собитқадам десак муболаға бўлмайди. Шу боисдан унинг шахмат биографиясидаги баъзи маълумотларни такрор эсласак, Зеро, унинг йўли — бошқаларга ибрат бўлгулик.

1966 йилнинг ёзида «Совет Ўзбекистони»да босилган шахмат ҳақидаги мақолада жумладан шундай дейилган: «...Яқинда республика, ҳатто марказий матбуот саҳифаларида бир боланинг сурати пайдо бўлиб қолди. Уларга шундай ёзувлар илова қилинган: «11 яшар Г. Аъзамов — Олмалиқ чемпиони». 17 та кап-катта шахматчи шу болага бас келолмади». «Отангга раҳмат Жора...».

У болани бир-икки йил олдин ҳам кўргандим, ленин бунчалик тез ўсиб кетишига ишим етмаган эди. Ота-боланинг Тошкентга келишларидан бирида мен уни шогирдларим билан таништириб қўймоқчи бўлдим. Ўзидан катталари сира алмай «қақшатган» бу боланинг «попугини сал пасайтириб» қўйиш ниятида, у билан ўзим (ўша пайтда ҳар қалай республика чемпиони эдим-да) «жанг» қилмоқчи бўлдим. Бир пиёда ошдим-у лекин ундан қандай фойдаланишга ҳайрон бўлиб қолдим. Бола ёшига нисбатан «номуносиб» ўйнарди. Одатда ёш шахматчилар ҳужумга тузук, ҳимояга эса бўшроқ бўладилар. Чунки, ҳимояланиш маҳорати тажриба ортиши билан такомиллашади. Назар-писанд қилмай ўйнадим, десам ҳақиқатга ҳилоф бўлади. Ютишга астойдил ҳаракат қилдим, бўлмади. Қаёққа юрмай олдимни тўсиб чиқаверди, у. Хуллас, дурангга рози бўлдим...

Икки ойдан кейин яна учрашиб қолдик. Бу сафар ҳам худди ўшандай воқеа юз берди. Аввалгисида қора доналар билан ўйнаганимни унутмаган Жора, бу гал ҳурмат юзасидан оқларни мен томонга аста суриб қўйди. Одоб сақлаш шунчалик-да! Шундан кейин унга бўлган меҳрим яна ҳам ошиб кетди. Ёшликдан жўш урган инсоний фазилатлар ҳамма нарсадан улуғ эканлигини ким сезмайди, дейсиз. Борис Спасский ҳам 10-11 ёшларида тахминан бизнинг Жораден ўйнаган. Унинг бир ютуғи — Ленинграддек азим шаҳарда, жаҳонга донги кетган шахматчилар-у устозлар қаноти остида улғайган, холос. Лекин Жора ҳам ёлғиз эмас...

Уша мақолада унинг ажойиб оилада тарбияланаётгани, отаси — Тожихон ака Ўзбекистоннинг илк чемпиони Азмиддин Хўжаевдан сабоқ олганлардан-лиги, акалари Вячеслав билан Валерий бундан 10-12 йил олдиноқ иттифоққа танилиб қолганлиги ҳам ёзилган. Ушандан бери ака-укалар турли мусобақаларда қатнашиб озмунча ютуқларни қўлга киритмадилар. Республика спорт шаънини улуғлашга айтарлик ҳисса қўшиб келмоқдалар.

1975 йилги мусобақада москвалик жаҳон чемпиони В. Чехов (қоралар) билан баҳсда Аъзамов устун келганди. Диаграммада қайд этилган вазият 31-юришдан кейин юз берган бўлиб, оқлар хиёл адашса, имкониятни бой бериши мумкин.

Маҳорати бир маромда юксалаётган Георгий 20 ёшида, оила аъзолари орасида биринчи бўлиб СССР спорт мастери даражасига кўтарилди. 1974 йили Тошкентда ўтказилган Азмиддин Хўжаев хотирасига бағишланган III анъанавий турнирда унга совриндор ўрин ва фахрли унвон лойиқ кўрилган. 1975 йили эса, Рига шаҳрида ўйналган СССР халқлари VI спартакиадасида устозлар таҳсинига сазовор бўлиб, муваффақият қозонди. Утган 1976 йилда эса Ўзбекистон чемпионатида ҳам, бешинчи хотиравий турнирда ҳам 1-2 ўринлар унини бўлди.

Етти йилдирки, ёш спорт мастерлари орасида мамлакат чемпионати ўтказиб келинмоқда. Унга барча хоҳловчилар таклиф этилишининг иложи йўқ. Ёш мастерлар жуда кўп. СССР шахмат федерацияси ҳар йили ёшлардаги энг юксак натижа кўрсатаётган истеъдод соҳибларидан 16 нафарини танлаб олади. Бу йилгисига Г. Аъзамовнинг ҳам киритилиши унинг маҳоратига берилган ҳаққиқий баҳо бўлди. Гап ишончни оқлашда қолган эди. Аввалига Аъзамов жадвалнинг ўрталарида борди.

Шахмат тахтаси ёнида уни кўрган киши билимига, бардошига, тўкис ҳисоб-китобига тан бермай иложи йўқ. Оғир вазиятга тушиб қолган пайтларида ҳам рисоладаги қиёфасини бузмайди. Бундай характер эса рақиб руҳиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Тахтада вужудга келувчи турли-туман мураккаб позицияларни чамалаш бобидаги диди — маҳорати жуда баланд. Усмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпионатларининг голиблари, кўпгина йирик мусобақаларнинг совриндорлари аста-секин Узбекистон чемпионига айл бўшата бошладилар. Агар охирги учрашувда ғалаба қозонганда биринчи ўрин нақд эди. Аммо, А. Петросян ҳам бўш келмай дуранг қилди. Аъзамов львовлик А. Михальчишиндан атиги ярим очко ортда қолиб, грузиялик Г. Зайчик билан иккинчи ва учинчи ўринларни бўлашиб олди. Ғолиб бир ўйинни бой берди, у ҳам бўлса Аъзамовга.

Мутахассислар бу чемпионат иштирокчиларини бўлғуси гроссмейстерлар, дейишади. Шундай бўлганидан кейин, унинг совриндорларидан бири Г. Аъзамовни гроссмейтерлик йўлида дадил қадам ташлаётган совет мастерларининг бири дейишга жўръат этишимиз турган гап.

Биз юқорида эслатиб ўтган мақоламизни республикамиздан етишиб чиқадиган биринчи гроссмейстер Аъзамовлар оиласидан чиқса ажаб эмас, деб якунлаган эдик. Утган ўн-ўн бир йил орасида бу фикр тасдиқидан ўтяпти. Бунга асосий талабгор уларнинг кенжаси бўлиб турибди. 1969 йили Тошкентда ўтказилган мамлакат командаларо биринчилигида ўсмирлар орасида ғолиб чиққан 15 ёшли Г. Аъзамов «Совет Ўзбекистони» газетаси таъсис этган совринни олганда, унга кўп сонли газетхон—шахмат мухлислари номидан яхши тиланлар билдирилган эди. Бу сафар ҳам ўша ниятда: «Олга, Аъзамов!» дейямиз.

М. МУҲИТДИНОВ.
Узбекистон шахмат федерациясининг раиси.

«Совет Узбекистони»нинг навбатдаги сони 17 мартда чиқади.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Александра Михайловна САПОЖНИКОВА

Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер Александра Михайловна Сапожникова оғир касалликдан сўнг 72 ёшида вафот этди.

А. М. Сапожникова 1905 йили Тошкент шаҳрида ишчи оиласида туғилди. Ўзининг меҳнат фаолиятини 1921 йили бошлади. 1940 йили КПСС сафига кирди. У 1931 йилгача турли совет муассасаларида, 1931 йилдан 1970 йилгача эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ишлади. Сўнгги тўрт йил мобайнида Марказий Комитет бўлимининг мудири бўлди.

А. М. Сапожникова Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида ўзининг интизомли ва ҳалол ходим сифатида кўрсатди. Гоят меҳнатсеварлик, принципиаллик, топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис этиш, одамларга гамхўрлик унга хос фазилатлар эди. У республика партия активи даврасида муносиб обрў-эътиборга сазовор эди. У сидқидилдан қилган меҳнати учун уч марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар билан тақдирланган эди.

Ҳормас-толмас меҳнаткаш, ажойиб инсон, дўстимиз ва ўртоғимиз ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ГОСТРАХ

ОМОНАТ КАССАГА БОРМАСДАН ОМОНАТЧИ БЎЛИШ МУМКИН

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ МИЛЛИОНЛАБ КИШИЛАР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

ОМОНАТ КАССАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАРГА КАМ МИҚДОРДА БЎЛСА ҲАМ ДОИМИЙ РАВИШДА ПУЛ ЎТКАЗИБ УЛАРНИНГ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ВА МОДДИЙ ТАЛАБЛАРИНИ ҚОНДИРИШ ЎЧУН ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАМҒАРИШГА ЕРДАМ БЕРАДИ.

ПУЛНИ ОМОНАТ КАССАСИГА БОРМАСДАН ҲАМ ЖАМҒАРИШ МУМКИН.

БУНИНГ УЧУН ХИЗМАТЧИ ЕКИ КОЛХОЗЧИ ЎЗИ ИШЛАЙДИГАН КОРХОНА, СОВХОЗ ЕКИ КОЛХОЗ БУХГАЛТЕРИЯСИГА ЎЗИГА БЕРИЛАДИГАН ИШ ҲАҚИДАН ЕКИ ПУЛ ДАРОМАДИДАН МАЪЛУМ СУММАСИНИ ҲАР ОЙДА УНИНГ ОМОНАТ КАССАДАГИ ШАХСИЙ СЧЕТИГА ЎТКАЗИБ ТУРИШНИ СУРАБ АРИЗА ТОПШИРИШИ ЛОЗИМ.

ПУЛЛАРИНГИЗНИ ОМОНАТ КАССАДА САҚЛАНГИЗ!
ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

ДОИРА РАҚСГА ЧОРЛАЙДИ

«ЗАНГОРИ ЭКРАНДА» ЯНГИ ТЕЛЕВИЗИОН КОНКУРС

Ўтган куни Ўзбекистон телевидениеси санъат мухлисларини яна бир янги кўрсатув билан мамнун этди: «Доира рақсга чорлайди» номли республика ёш раққосаларининг телевизион конкурси бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қароридан руҳланиб, республика Маданият министрлиги ЎзССР Министрлар Советининг Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети билан ҳамкорликда ўтказилаётган бу конкурсдан мақсад республикамизда хореография санъатини янада ривожлантириш, ёш истеъдодли раққосаларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш ва уларни телетомошабинлар билан яқиндан таништиришдан иборат.

Янги рақс конкурсининг биринчи кўрсатувида пойтахтимизда тўрт нафар ёш раққоса (конкурс низомига кўра, ҳар бир кўрсатувда ҚҚАССР ва республикамизнинг ҳар бир областидан тўрттадан раққоса қатнашади) ўз санъатини намойиш этди. Тошкент маданий-оқартув техникумининг студенти Меҳри Маматқулова, шаҳардаги 131-болалар боғчасининг тарбиячиси Ирина Тамбасова, республика стенография курсининг ўқувчиси Зуҳра Пирова Чилонзор районидаги 163-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Марина Сенчиллолар ижросидаги «Сув бўйида» «Раққоса», «Туркманча», «Қиз бола» сингари ёшлик завқи ва гўзаллигининг рамзи бўлмиш нафис ва шўхчан рақслар рангли тасвирда томошабинлар қалбини ром этди.

Телевидение шарофати билан янгидан-янги иқтидорли ёшлар профессионал санъаткорларимиз қаторига қўшилмоқда. Миллионлаб телетомошабинларни «Зангори экран» атрофига тўплаган «Доира рақсга чорлайди» номли рақс телевизион конкурси ҳам санъат мухлисларининг севимли кўрсатувларидан бирига айланади, деган умиддамиз.

ЁШ СПОРТЧИЛАР МАКТАБИ

Турли касалликларни олдини олиш ва унга қарши курашда медицина билимлари тарғиботи муҳим роль ўйнайди. Ўйин райони саломатлик посбонларининг бу соҳадаги фаолияти диққатга сазовордир. Ўтган йилнинг ўзидагина меҳнаткашлар ўртасида медицина мавзусида 400 дан ортиқ лекция ўқилди ва суҳбат ўтказилди. 25 та илмий-оммабоп ҳамда кўркжатли фильмлар намойиш қилинди.

1977 йилнинг бошларидан қишлоқ касалхоналари ва туғруқхоналари қошида ёш онаҳолалар мактаблари ташкил этилди. Мазкур мактабда врачлар ва ўрта малакали шифокорлар томониданн кичкинтойларни овқатлантириш, кийинтириш, ювиб-тараш, юқумли касалликларга чалинтирмаслик йўл-йўриқлари ўргатилади. Ҳозиргача 14 соатлик мактаб программасини 800 она ўтаб чиқди.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Қишлоқлик Ковалёва» (фильм-спектакль). 12.35 — **Ҳайвонот олами.** 15.30 —Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Китоб. Давр Китобхон [illegible] — Мавсумлар ишчи кафолати 17.20 — «Кандомбла» (оратория). 18.15—«Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун». 19.00 — **Янгиликлар.** 19,10 — Болаларга аталган шеърлар. 19.35 — Концерт. 20.10 — Инсон ва қонун. 20.40 — **«Яшин кўтарган чавандоз»** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — «Поэзия». 00.05 — **Янгиликлар.**

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.15 — **Спорт программаси.** 18.45 — Халқ мулкини муҳофаза қилиб. 19.05 — Ўзбекистон беш йиллик маршида. 19.35 — **Ахборот.** 19.50 — «Ошиқлар» (телеспектаклнинг 1-қисми). 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — «Октябрь аёллар тақдирида» (тақрорий кўрсатув). 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — «Октябрь аёллар тақдири. да» (кўрсатувнинг давоми).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЎЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Эстетика. 19.45 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.15— Ҳужжатли фильм. 20.30 — **Янгиликлар.** 20.45 — Балетлардан саҳналар. 21.15— Назарий механика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон композиторларининг қўшиқлари. 9.30 — СССР халқ артистлари Х. Мавлонова ва М. Магомаев куйлайди. 11.15 — Касаба союзлари ва мураббийлик (суҳбат). 11.30 — **«Ер ва эл»** (Москва). 12.10 — **«Узбекистон ишчиси».** 13.00 — Озуқа заводлари ҳақида мулоҳазалар (суҳбат). 13.30 — Чехословакиялик хонанда К. Готт ижро этади. 14.00 — Қишлоқда юксак турмуш маданияти учун. 16.10 — **Ойбек.** «Даврим жароҳати» (поэма асосида радиокомпозиция). 19.00 — Ўнинчи беш йиллик йилномаси. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Қўшиқ ва рақслар. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Ҳозирги босқичда идеологик кураш. 22.40 — **Х. Нўъмон.** «Ёшликда берган кўнгил» (повестдан боб). 23.15 — Кечки концерт.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/III да **Севги тумори,** 17/III да **Ойимқиз** ва **базори, Болеро,** 18/III да **Дилором.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Келинлар кўзголони** (билетлар сотилган), 16/III да **Оқшомдан тушгача,** 17/III да **Олтин девор,** 18/III да **Қалби олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/III да **Жон қизлар,** 17/III да **Лаҳма,** 18/III да **Йиллар ўтиб.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/III да **Ишқ қурбонлари** (16.00), 16/III да **Тўй муборак, қари қиз** (17.30), 17/III да **Ишқ қурбонлари** (16.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«ГРУЗИЯ ЦИРКИ»** ва **«УЗБЕКИСТОН ЯИГИТЛАРИ» КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ** (19.30).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Ютуқ** (катта зал, кундуз ва кечқурун), **Раққоса** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Ютуқ — «ЧАЙКА» «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Бормисан, марказий ўйинчи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16.00), «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Мўмайгина олтинлар — БИЛИМЛАР УЙИ (13, 15, 17.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Раққоса — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Ганг узра тонг — «ЯНГИ-ОБОД» (кундуз ва кечқурун).

КАНТАТА-204

«КАНТАТА-204» РАДИОЛАСИ ҲАР БИР УЙГА ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИНИ ВА МУЗИКА ДУНЕСИНИ ОЛИБ КИРАДИ.

Тўлқинларнинг беш диапазони олис ва яқин радиостанцияларинг эшиттиришларини тинглашга, уч тезликдаги проигрователь эса грампластинкалар қўйишга имкон беради.

Акустика ва автоматик регуляторлар системасининг яхшиланганлиги, ёритгич индикатор ва замонавий безак — «Кантата-204» радиоласининг янги сифатларидир.

Баҳоси — 112 сўм.

КАНТАТА ·204·

ЦКРО «РАДИОТЕХНИКА».

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети аппарати ва Ишлар бошқармасининг партия ва касаба союз ташкилотлари Марказий Комитетнинг собиқ масъул ходими, Иттифоқ аҳамиятига молик шахсий пенсионер

Александра Михайловна САПОЖНИКОВАнинг

оғир касалликдан сўнг шу йил 14 мартда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, унинг қариндошлари ва ёру биродарларига ҳамдардлик изҳор этадилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана. Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 03247. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 61.